

Аликулов Рустам Валиевич
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ
БОЙСУН ТУМАНИДА
ЎСАДИГАН ДОРИВОР
ЎСИМЛИКЛАР



Термиз – 2017

Алиқулов Рустам Валиевич

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ
БОЙСУН ТУМАНИДА
ЎСАДИГАН ДОРИВОР
ЎСИМЛИКЛАР**

Термиз давлат университети

Рисолада Сурхондарё вилояти Бойсун туманида ўсадиган доривор ўсимликларнинг кимёвий таркиби, тиббиётда ишлатиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Ушбу рисоладан биологлар, кимёгарлар ва бошқа китобхонлар фойдаланиши мумкин.

МУНДАРИЖА

1. Кириш.....	7
2. Сурхондарё вилояти Бойсун туманида учрайдиган доривор ўсимликлар.....	14
3. Сурхондарё вилояти Бойсун туманида учрайдиган доривор ўсимликларнинг кимёвий таркиби ва тиббиётда ишлатилиши.....	26
4. Сурхондарё вилояти Бойсун туманида учрайдиган доривор ўсимликларнинг расмлари.....	74
5. Фойдаланилган адабаётлар.....	103

Интернет маълумотлари

1. WWW.plan-tareum.RU.

КИРИШ.

Инсоният ҳаёти ўсимликлар олами билан узвий боғланган, барчага маълумки, наботот олами инсонни туйдиради, кийинтиради, ҳавони поклаб беради, сўлим гушалар яратади, хўжалик ва қурилиш материали бўлиб хизмат қилади, кўзга завқ берадиган гўзал манзара яратади, тупроқни эрозиядан сақлаб, намликни ушлаб туради, ҳарорат беради. Хуллас, ўсимликларнинг серҳосият тарафларини санаб интиҳосига етиш қийин. Сўз наботот оламининг ҳосиятлари устида борар экан, уларнинг ажойиб хислатларидан бири—шифобахшлиги тўғрисида тўхталиб ўтмасдан бўлмайди.

Инсоният қадим-қадим замонлардан бери ўсимликларнинг шифобахш ҳусусиятларидан баҳраманд бўлиб келмокда. Ибтидоий даврларда одамлар ўзларининг дардларига даво излаб аввало ўсимликлар оламига, маъданларга ҳамда ҳайвонот маҳсулотларига интилар эдилар.

Дастлаб инсон учун озиқ-овқат вазифасини ўтайдиган нарса ўсимлик мевалари, илдиз, илдизмевалари, шунингдек ҳайвон маҳсулотлари бўлган. Табиат неъматларидан тановул қилган инсон унинг таъми, мазаси, тўйимлилиги, сингиши, таъсирини сезган ва унинг хислатларига маълум даражада баҳо бера билган. Олдинлари ўсимликнинг шифобахш ҳислати тасодифан топилган бўлса ҳам, кейинчалик такрор ва такрор ҳаётий синов ва кузатишлардан ўтгач, халқ табобатида қўлланила бошлаган.

Қадим замонларда ўсимликларнинг шифобахш томонларини аниқлашда ҳайвонлар устидан олиб борилган кузатишлар ҳам

маълум даражада самара берган. Қадимий араб кўлёмаларида баён этилишича, ҳабаш чўпонлари фавкулотда қизиқ мўъжизанинг гувоҳи бўлганлар: улар қахва (кофе) бутасини еган эчкиларнинг ғайри табиий ҳатти-ҳаракатларини кўриб ажабланганлар. Ўсимликни еган эчкилар ўзларини жуда тетик ҳис қилар, сакраб ўйноқлар, чарчоқни билмас эдилар. Шундан сўнг қахва ўсимлигидан кишиларнинг ўзлари ҳам баҳраманд бўла бошладилар.

Ҳозирда ҳам қахва инсон кайфиятини яхшиловчи, юрак фаолиятига ижобий таъсир кўрсатувчи ичимлик сифатида истеъмол этилади.

Қадимий бурят овчилари жароҳатланган кийиклар қизил чиннигулни ейишга ошиққанлигини сезганлар. Маълум бўлишича, бу ўсимликда қон тўхтатувчи модда мавжуд экан.

Гоҳида қўйлар жуда аччиқ бўлган эрмонни иштаҳа билан ейишаётганининг гувоҳи бўлишингиз мумкин. Буни замонавий медицина эрмонда кучли гижжа ҳайдаш хусусияти мавжудлиги билан тушунтиради. Шу боисдан ҳам қўйлар эрмонни еб ўз аъзоларидаги гижжа-гельминтлардан тозаланиб турар эканлар. Одамлар эса қўйларни кузатиш билан эрмоннинг бу ҳислатидан огоҳ бўлганлар.

Минг йиллар давомида шундай кузатув ва ҳаётий синовлар авлоддан-авлодга ўтиб, ўсимликлар ҳақидаги маълумотлар купайиб, мукаммаллашиб, сайқал топиб борди. Булар эса ўз навбатида халқ табобатининг таркиб топишига шароит яратди. Ҳозир халқ медицинасида қўлланган тадбирлар замонавий медицина томонидан инобатга олинмоқда ва уларнинг айримларидан тадбиркорона фойдаланилмоқда.

Доривор ўсимликлар ҳақидаги ҳозирги давргача етиб келган қадимий маълумотлар асосан юнон адабиётларида сақланиб қолган.

Машҳур юнон табиби “Гиппократ қасамёди” ҳали ҳам ўз аҳамиятини йўқотганича йўқ. “Гиппократ қасамёди” да даволовчи врач билан бемор орасида бўладиган муносабат баён этилган бўлиб, унда шифокорни жуда одилона ва назокатли иш тутиши, ниҳоятда масъулиятли вазифаси ҳақида сўз юритилади.

Юнонистонлик машҳур олимлардан Аристотель (эрамиздан олдинги 384—322 йиллар) Ф.Энгельснинг ибораси билан айтганда «...Энг универсал калла...» бўлиб юнон файласуфлари ичида ажралиб турар эди. У энциклопедист олим сифатида медицинага ҳам салмоқли ҳисса қўшди. Аристотель ўз шогирди Теофраст билан табиий фанлар қатори, доривор ўсимликлар ҳақида ажойиб маълумотлар қолдирган. Теофраст ботаника фанининг отаси ҳисобланади.

Ўз замонасининг энг кўзга кўринган врач Диоскорид (эрамизнинг I асрида яшаб ижод этган) машҳур врач Плиний Старшийнинг замондоши ҳисобланади. У китобларида ўзига қадар яшаган табибларнинг медицина соҳасидаги маълумотларини жамлашга ҳаракат қилган. Ваҳоланки, у эслатиб ўтган олимларнинг асарлари замонлар ўтиши билан мутлоқ йуқолиб кетган. Олимнинг асарларида шифобахш ва заҳарли ўсимликларнинг расмлари юксак дид билан солинган бўлиб уларда ўсимликлар ҳақидаги барча маълумотлар битилган эди. Асар латин тилига таржима қилинган ва XVI асргача Европада врачлар учун қўлланма бўлиб келган.

Қадимий Рим медицинасида сезиларли из қолдирган Асклепиад (эрамиздан олдинги 128—56 йиллар), Карнелий Цельсларнинг (эрамизнинг бошида) ҳам хизматлари катта. Римнинг энг машхур ва табиат фанларининг билимдони К. Гален (Жолинус ҳаким—эрамизнинг 130—200 йилларида яшаган) ўзининг медицина соҳасидаги баракали хизматлари билан танилган. Клавдий Гален ўз давригача ва у билан бир даврда яшаган йирик олимларнинг тиббий амалларидан атрофлича фойдаланган ҳолда медицина ва фармация соҳаси бўйича 131 илмий асар ёзган. К. Гален асарларининг медицинага бағишланганларидан фақат 83 таси бизгача етиб келган. У ўз асарларида 304 шифобахш ўсимлик 80 та ҳайвонлар асосида тайёрланадиган ҳамда 60 га яқин маъдан моддаларидан олинадиган дори-дармонлар билан даволашнинг йулларини тавсия этган.

Кўҳна Рим алломаларидан Плиний Старший ўз асарларининг 12 томини медицина ва доришуносликка бағишлаган.

Медицина фанининг ривожланишида қадимий Осиё мамлакатларининг ҳиссаси ҳам бор. Ҳиндистон, Тибет, Хитой ва Араб давлатларида ўсимликлар билан даволаниш кенг тус олган. «Яжур-веда» («Ҳаёт ҳақидаги фан») доривор ўсимликлар ҳақида ёзилган қадимий ҳинд китобидир. Шифокор Сушрута томонидан ёзилган мазкур китобда 700 хил доривор ўсимлик тасвирланган. Тибет медицинаси ҳинд медицинаси ёрдамида ривожланди. Машхур «Джуд-ши» («Шифобахш дори-дармонлар моҳияти») китоби тибет медицинасининг асосини ташкил этади.

Хитой халқ табобати жуда узоқ тарихга эга. Хитой медицинасининг асосчиси бундан 3 минг йил бурун хоқонлик қилган Шен-Нунг ҳисобланади. Унинг дастхатига мансуб китоблар бизгача етиб келмаган. Аммо бу китобларнинг кўчирма нусхалари ва тўлдирилган формалари минг йиллар оша мерос бўлиб келмокда. Шен-Нунг китобида ўсимликларнинг синоним номлари, ботаник таърифи, ўсимликлардан маҳсулотлар тайёрлаш даврлари ва усуллари, ўсимликларнинг географик жойлашиши мазкур дори-дармоннинг таъсир доираси, қўлланиши, дори-дармон иштирок этадиган рецептлар рўйхати ҳамда шу дори-дармонлар билан даволаш мумкин бўлган касалликларнинг умумий рўйхати келтирилган.

Шарқнинг машҳур олимлари Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо Ал-Хоразмий, Абу Бакр Муҳаммад бин Закария ар-Розий, Абу Райҳон Муҳаммад ибн Ахмад ал-Беруний, Арабмуҳаммадхон ўғли Абулғозихон, Абу Мансур Бухорийлар ҳам медицина фани ривожига катта ҳисса қўшдилар.

Урта Осиёнинг забардаст олимларидан бири бўлган Абу Али ибн Синонинг жаҳоншумул фаолияти тўғрисида тўхталиб ўтмасдан бўлмайти. Абу Али ибн Сино 450 дан ортиқ қимматли асарлар яратган. Бироқ замонлар ўтиши билан уларнинг кўпи йўқолиб кетган. Ибн Синонинг бизгача етиб келган 240 асаридан 40 таси медицинага оиддир. Абу Али ибн Сино «Ал-қонун» асарида 900 га яқин ўсимликнинг шифобахш хусусиятлари ва уларни ишлатилиш йўллари тўғрисида маълумот келтиради. Унинг шогирдларидан Шарафуддин Абу Абдуллоҳ. Муҳаммад

ибн Юсуф Илокий, Абу Содик Мутатаббиб ва Журжонийлар ҳам медицинанинг ривожланишига ҳисса қўшганлар.

Умар Чағминий (1221 йилда вафот этган) фақат медицина соҳасидагина эмас, балки астрономия, математика ва бошқа фанлар бўйича ҳам таниқли олим бўлган. Унинг тиб илмига мансуб «Кичик қонун» асаридан ватани Хоразмдагина эмас, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Қўқон мадрасаларида, шунингдек Ҳиндистон, Эрон каби мамлакатларда XX асрнинг бошларигача қўлланма сифатида фойдаланиб келинган (А.А.Абдуллаев, 1980).

Питирим Сергеевич Массажетов (1894—1972 йиллар) ўзининг бутун умрини мамлакатимизнинг доривор ўсимликларини ўрганиш, уни медицинада тадбиқ этишга бағишлаган.

Александр Павлович Орехов (1881 —1932 йиллар) ўсимликлар таркибидаги алкалоидларни ўрганиш борасида катта хизматлар қилган машҳур совет олими ҳисобланади. Унинг ўқувчилари бўлмиш академиклар О. С. Содицов ҳамда С. Ю. Юнусовларнинг ўсимлик тилсимларини очишдаги салмоқли ҳиссалари кўпчиликка маълум.

Дори-дармонлар ҳамда шифобахш ўсимликлар устида атрофлича илмий-тадқиқот ишларини олиб борган олимлардан Саҳобиддинов Сирож Саҳобиддиновичнинг (1906-йилда туғилган), Ўзбекистонда шифобахш ўсимликларни илмий асосда ўрганиш борасида ЎзССР да хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор, фармацевтика фанлари доктори Холматов Ҳамид Холматовичнинг (1923-йилда туғилган) улкан хизматлари бор.

Ҳозирда илмий медицинада қўлланилаётган дори-дармонларнинг қарийб 40 фоиздан ошиғини ўсимлик маҳсулотлари ташкил қилади.

Бир қатор олимларнинг берган маълумотларига қараганда, табиат неъматларидан олинадиган дори-дармонлар кимёвий-сунъий равишда олинадиган препаратларга нисбатан афзаллиги билан ажралиб туради. Чунки табиат эҳсони бўлмиш ўсимликлардан таркиб топган дорилар деярли асоратсиз ҳисобланади. Мамлакатимизда шифобахш ўсимликлар маҳсулотларини саноат кўламида етиштириб берадиган махсус хўжаликлар йил сайин кўпайиб бормоқда.

Ўзбекистон шифобахш ўсимликлар маскани сифатида машҳур. Серқуёш дала ва боғларимизда етиштирилаётган ширин-шарбат мевалар, турфа хил сабзавот-резаворлар, қанду асал полиз маҳсулотлар узларининг шифобахшлиги билан ажралиб туради. Салобатли тоғларимиз қўйнидаги табиий ҳолда етишаётган неъматларнинг хосиятларини санаб интиҳосига етиш қийин.

Сурхондарё вилояти Бойсун туманида учрайдиган доривор ўсимликлар

Илмий адабиётларда кўрсатилишича Сурхондарё флораси турлар таркиби жиҳатидан Кавказ орти республикаларидан кейин иккинчи ўринда туради. Шунинг ўзи ҳам Сурхондарёнинг ўсимликларга бой эканлигини кўрсатади. Республикамизда 4500 дан ортиқ ўсимлик тури бўлса, шундан **1646** та тури вилоятда учрайди. Шу далилнинг ўзи ҳам Сурхондарё вилояти флораси бой ва турли-тумани эканлигини билдиради. Шу боисдан ҳам бу ўлканинг ўсимликлар дунёсини ўрганишга қадимдан катта қизиқиш бўлган.

Сурхондарё вилоятининг ўсимликлар дунёси Ўзбекистон флорасининг бир қисми бўлиб, шулардан 126 тури “Қизил китоб” га киритилган ўсимликлардир. Бу ўсимлик турлари 105 та оилага мансубдир. Бу маълумот собиқ Иттифоқ олимлари ва Ўзбекистон ботаниклари томонидан аниқланган ўсимликлар турларидир. Мазкур китобдаги ўсимликларнинг турлар сони ва уларнинг биогеографик ареалларининг ўзгариши эҳтимолдан холи эмас.

Вилоятнинг табиати, ўсимликлар дунёси, хилма-хил ландшафтлари Ўзбекистон миллий бойлигининг бир қисмидир. Бу бебаҳо бойлик миллионлаб йиллар давом этиб аجدодларимиз томонидан бизга қолдирилган улкан меросдир. Биз ҳозирги замон одамлари табиатнинг бебаҳо бойликларини келажак авлодларимизга, фарзандларимизга аجدодларимиз сингари бекаму-кўст етказиб беришимизни унутмаслигимиз зарур.

Тиббиётда маълум касалликларни даволаш ҳамда уларнинг таркибида доривор моддалар мавжуд бўлган.

Касалликни даволаш, уларнинг олдини олиш мақсадида доривор ўсимликлардан дори турлари тайёрланади ёки улардан доривор препаратлар ва соф ҳолдаги доривор моддалар олинади. Бу препаратлар ўсимликларнинг касалликларни даволаш хусусиятига эга биологик фаол моддаларга бой бўлган қисмларидан: – баъзи ўсимликларнинг ер ости органларидан баъзиларининг эса, устки органларидан олинади.

Кимё фанининг, айниқса, синтетик кимёнинг юқори даражада таракқий этишига ва кўплаб кучли таъсир этувчи доривор моддалар синтез қилинишига қарамасдан, тиббиётда қўлланиладиган препаратларнинг 40% га яқини ўсимликлардан олинади. Бу кўрсаткич айрим касалликларни, масалан юрак-қон томир касалликларини даволашда ишлатиладиган доривор препаратларнинг 80 % ни ташкил қилади. Келажакди тиббиётда ўсимликлардан олинadиган доривор препаратлар ва доривор моддаларни янада кўпроқ ишлатиш режалаштирилмоқда.

Доривор ўсимликларга ва улардан олинadиган препаратларга тиббиёт соҳасида бўлган талабнинг кескин ошишига асосий сабаб, синтез йўли билан олинган ҳар бир кимёвий препаратни узоқ вақт узлуксиз равишда истеъмол қилиш инсон ва ҳайвон организмида турли ноҳуш ўзгаришларни юзага келтириши кузатилмоқда. Шунинг учун ҳам кейинги вақтларда бутун дунёда ўсимлик доривор препаратларига, фитопрепаратларга ва доривор ўсимликлардан олинadиган препаратлар ва фитопрепаратларга эҳтиёж ортиб бормоқда.

**Флорадаги фақатгина дориворлик хусусияти маълум бўлган
ўсимликлар**

Achillea arabica Kotschy

Ajuga turkestanica (Regel) Briq.

Asyneuma argutum (Regel) Bornm. et Biehler

Biebersteinia multifida DC.

Capsella bursa-pastoris (L.) Medik.

Codonopsis clematidea (Schrenk) C.B. Clarke

Equisetum arvense L.

Haplophyllum bucharicum Litv.

Haplophyllum dubium Korovin

Haplophyllum latifolium Kar. et Kir.

Haplophyllum robustum Bunge

Hypericum elongatum Ledeb.

Lagochilus gypsaceus Vved.

Lagochilus seravschanicus Knorring

Neopaulia ovczinnikovii (Korovin) Pimenov et Kljuykov

Valeriana chionophila Popov et Kult.

Флорадаги доривор ва алколоидли ўсимликлар

Andrachne rotundifolia C.A. Mey.

Colchicum kesselringii Regel

Colchicum luteum Baker

Convolvulus arvensis L.

Ephedra equisetina Bunge

Ephedra intermedia Schrenk et C.A. Mey.

Onopordum acanthium L.
Solanum nigrum L.
Thalictrum isopyroides C.A.Mey.
Thalictrum minus L.
Ungernia victoris Vved. et Artjush.

Флорадаги доривор ва асал ширали ўсимликлар

Campanula cashmeriana Royle
Cynoglossum creticum Mill.
Dodartia orientalis L.
Euphrasia pectinata Ten.
Euphrasia regelii Wettst.
Lamium amplexicaule L.
Leonurus turkestanicus V.I.Krecz. et Kuprian.
Lepidium latifolium L.
Lonicera microphylla Willd. et Schult.
Lonicera nummularifolia Jaub. et Spach
Malva neglecta Wallr.
Orthurus kokanicus (Regel et Schmalh. ex Regel) Juz.
Potentilla asiatica (Th.Wolf) Juz.
Potentilla pedata Willd. et Hornem.
Potentilla reptans L.
Verbascum blattaria L.
Verbascum erianthum Benth.
Verbascum songaricum Schrenk

Veronica anagallis-aquatica L.

Флорадаги доривор ва бўёқли ўсимликлар

Agrimonia asiatica Juz.

Datisca cannabina L.

Dysphania botrys (L.) Mosyakin et Clemants

Echium italicum subsp. *biebersteinii* (Lacaita) Greuter et Burdet

Galium aparine L.

Geranium collinum Stephan et Willd.

Haplophyllum acutifolium G.Don

Haplophyllum bungei Trautv.

Hippophae rhamnoides L.

Hypericum perforatum L.

Hypericum scabrum L.

Inula macrophylla Kar et Kir.

Lysimachia dubia Aiton

Onosma dichroantha Boiss.

Papaver pavoninum C.A.Mey.

Persicaria hydropiper (L.) Delarbre

Polygonum aviculare L.

Roemeria refracta DC.

Rubia tinctorum L.

Флорадаги доривор ва ем-хашакли ўсимликлар

Agropyron repens (L.) P.Beauv

Bolboschoenus maritimus (L.) Palla

Botriochloa ischaemum (L.) H.Keng
Bupleurum exaltatum M.Bieb.
Cichorium intybus L.
Convolvulus subhirsutus Regel et Schmalh.
Cyperus rotundus L.
Epilobium palustre L.
Epilobium tetragonum L.
Equisetum ramosissimum Desf.
Erodium cicutarium (L.) L'Her.
Inula britannica L.
Inula rhizocephala Schrenk
Plantago lanceolata L.
Plantago major L.
Silybum marianum (L.) Gaerth.
Zygophyllum atriplicoides Fisch. et C.A.Mey.
Флорадаги доривор ва захарли ўсимликлар
Acroptilon repens (L.) DC.
Adonis aestivalis subsp. parviflora (Fisch. et DC.) N.Busch
Adonis turkestanica Adolf
Agrostemma githago L.
Anagallis arvensis subsp. foemina (Mill.) Schinz et Thell.
Anagallis arvensis var. caerulea (L.) Gubanov
Arum korolkowii Regel
Calystegia sepium (L.) R.Br.
Conium maculatum L.
Convolvulus pseudocantabrica Schrenk

Cuscuta europaea L.
Cyanus segetum Hill.
Datura stramonium L.
Erysimum repandum L.
Euphorbia rapulum Kar. et Kir.
Euphorbia sarawschanica Regel
Glaucium elegans Fisch. et C.A.Mey.
Glaucium fimbrilligerum Boiss.
Haplophyllum pedicellatum Bunge et Boiss.
Hyoscyamus niger L.
Impatiens parviflora DC.
Ranunculus linearilobus Bunge
Scrophularia umbrosa Dumort.
Tribulus terrestris L.
Verbena officinalis L.

Флорадаги доривор ва манзарали ўсимликлар

Achillea millefolium L.
Alcea litwinowii (Iljin) Iljin
Alcea nudiflora (Lindb.) Boiss.
Alcea rhyticarpa (Trautv.) Iljin
Althaea ludwigii L.
Althaea officinalis L.
Centaurium erythraea subsp. *turcicum* (Velen.) Melderis
Centaurium pulchellum (Sw.) Druce
Centaurium spicatum (L.) Fritsch.

Clementsia semenovii (Regel et Herder) Boriss.
Cyanus depressus M.Bieb.
Dactylorhiza salina (Turcz. et Lindl.) Soó
Dactylorhiza umbrosa (Kar. et Kir.) Nevski
Dipsacus laciniatus L.
Epilobium hirsutum L.
Filago arvensis L.
Gentiana olivieri Griseb.
Geranium robertianum L.
Handelia trichophylla Heimerl
Helichrysum maracandicum Popov
Inula helenium L.
Ixiolirion tataricum (Pall.) Schult. et Schult. f.
Orchis pseudolaxiflora Czerniak.
Pseudohandelia umbellifera (Boiss.) Tzvelev
Rhodiola gelida Schrenk et Fisch. ex C.A.Mey.
Rhodiola heterodonta (Hook. f. et Thoms.) Boriss.
Rosa beggeriana Schrenk et Fisch. ex C.A.Mey.
Rosa hissarica Slobodov
Rosa maracandica Bunge
Scabiosa songarica Schrenk
Viola suavis M.Bieb.

Флорадаги доривор ва озиқбоп ўсимликлар

Alliaria petiolata (M.Bieb.) Cavara et Grande
Allium longicuspis Regel

Allium suworowii Regel
Amygdalus bucharica Korsh.
Barbarea vulgaris R.Br.
Berberis integerrima Bunge
Berberis nummularia Bunge
Berberis oblonga C.K.Schneid.
Bunium chaerophylloides (Regel et Schmalh.) Drude
Bunium persicum (Boiss.) B.Fedtsch.
Caccinia macranthera (Banks et Sol.) Brand
Capparis spinosa L.
Carduus nutans L.
Cirsium vulgare (Savi.) Ten.
Cyperus longus L.
Falcaria vulgaris Bernh.
Glycyrrhiza glabra L.
Lactuca serriola L.
Malva nicaeensis All.
Malva sylvestris L.
Mediasia macrophylla (Regel et Schmalh.) Pimenov
Nasturtium officinale W.T.Aiton
Polygonatum sewerzowii Regel
Prunus divaricata Ledeb.
Rosa canina L.
Rosa ecae Aitch.
Rosa fedtschenkoana Regel
Rubus caesius L.

Taraxacum officinale F.H.Wigg.

Urtica dioica L.

Vitex agnus-castus L.

Флорадаги доривор ва ошловчи ўсимликлар

Aconopogon coriarum (Grisg.) Šoják

Fallopia convolvuloides (Brügger) Holub

Geranium rotundifolium L.

Persicaria amphibia (L.) Delarbre

Persicaria lapathifolia (L.) Delarbre

Polygonum hissaricum Popov

Rumex conglomeratus Murrey

Rumex crispus L.

Rumex tianschanicus Losinsk. et Pavlov

Флорадаги доривор ва мойли, эфир мойли ўсимликлар

Abutilon theophrastii Medik.

Achillea filipendulina Lam.

Angelica archangelica subsp. *decurrens* (Ledeb.) Kuvaev

Artemisia ferganensis Krasch. et Poljakov

Artemisia aschurbajewii C.Winkl.

Artemisia baldshuanica Krasch. et Zaprjag.

Artemisia dracunculus subsp. *turkestanica* Krasch.

Artemisia leucodes Schrenk

Artemisia persica Boiss.

Artemisia porrecta Krasch. et Poljakov

Artemisia rutifolia Steph. et Spreng.
Artemisia scoparia Waldest. et Kitag.
Carum carvi L.
Centaurea benedicta (L.) L.
Centaurea ruthenica Lam.
Cephalaria syriaca (L.) Schrad. et Roem. ex Schult.
Cullen drupaceum (Bunge) C.H.Stirt.
Echinophora tenuifolia subsp. *sibthorpiana* (Guss.) Tutin
Eryngium macrocalyx Schrenk
Ferula kokanica Regel et Schmalh.
Ferula kuhistanica Korovin
Ferula moschata (H.Reinsch) Koso-Pol.
Ferula samarkandica Korovin
Heracleum lehmannianum Bunge
Hibiscus trionum L.
Hyssopus seravschanicus (Dubj.) Pazij
Lachnophyllum gossypinum Bunge
Lallemantia royleana (Benth.) Benth.
Lamium album L.
Lycium dasystemum Pojark.
Lycium depressum Stocks
Lycium ruthenicum Murray
Marrubium anisodon K.Koch
Melissa officinalis L.
Mentha arvensis L.
Mentha longifolia var. *asiatica* (Boriss.) Rech.f.

Mentha pamiroalaica Boriss.
Nepeta cataria L.
Nepeta olgae Regel
Origanum tyttanthum Gontsch.
Perovskia angustifolia Kudr.
Perovskia scrophulariifolia Bunge
Prunella vulgaris L.
Salvia aethiopis L.
Salvia deserta Schangin
Salvia sarawschanica Regel et Schmalh.
Salvia sclerea L.
Salvia spinosa L.
Salvia virgata Jacq.
Sideritis montana L.
Stachys hissarica Regel
Tanacetum parthenifolium (Willd.) Sch.Bip.
Thlaspi arvense L.
Tussilago farfara L.
Xanthium spinosum L.
Xanthium strumarium L.
Ziziphora clinopodioides Lam.
Ziziphora interrupta Juz.
Ziziphora pamiroalaica Juz.
Ziziphora suffruticosa Pazij et Vved.
Ziziphora tenuior L.

Сурхондарё вилоятида учрайдиган доривор ўсимликларнинг кимёвий таркиби ва тиббиётда ишлатилиши.

Аҳоли саломатлигини сақлаш ҳамда даволаш чораларини кўриш жараёнида маҳаллий, табиий, арзон ва сифатли дори дармонларнинг ўрни беқиёс. Шунинг учун республикамизда тиббиёт саноати ҳамда дорихоналарни етарли миқдорда маҳаллий хом ашё билан таъминлаш мақсадида, доривор ўсимликшуносликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун мамлакатимизга чет мамлакатлардан турли доривор ўсимликларни олиб келиб, иқлим шароитларига мослаштириб, юртимизда ўсувчи доривор ўсимликлар билан биргаликда экинлар қаторига киритилиб, импорт ўрнини босувчи маҳаллий доривор маҳсулотлар етиштирилмоқда.

Мамлакатимизда хом ашёси тиббиётда ишлатиладиган 230 турдаги ўсимликлардан 159 тури ёввойи ҳолда, қарийб 50 тури экиб ўстириладиган ўсимликлардир. Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликлардан маҳсулот олишнинг мушкул томонлари шундаки, ҳосил барқарор эмас ва унинг миқдори муайян йилнинг об-ҳаво шароитларига боғлиқлигидир. Шу билан бирга табиий майдонларнинг тобора камайиб бораётганлиги сабабли улардан олинадиган хом ашёнинг камайиб боришига сабаб бўлмоқда. Шу билан бирга Ўзбекистонда ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларга эҳтиёж катта. 1992 йилгача доривор ва озиқбоп ёввойи ўсимликларни тайёрлаш билан бир нечта давлат ташкилотлари, қўшма корхоналар ва жисмоний шахслар шуғулланган. Тайёрлаш ҳажми ҳам чекланмаган эди. Йиғиб

олиш ҳажмлари ресурсларни тежаш ва ўсимлик дунёсида экологик тенгликни сақлашни кўзда тутадиган илмий асослар билан таъминланмаган. Доривор ва озуқа хом ашёсини тайёрлаш ҳажмини ихтиёрий белгилаш қизилмия, андиз, зирк бутаси, сариқчай, эфедра каби ва бошқа ўсимлик турларини камайишига сабаб бўлди. Ўсимлик хом ашёсининг асосий тайёрловчиси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги Бош бошқармаси қошидаги “Шифобахш” ишлаб чиқариш бирлашмаси(ИБ) ҳисобланади.

Ўсимлик ресурсларини сақлаб қолиш мақсадида улардан фойдаланишни бошқарувчи қатор қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди. Булар Ўзбекистон Республикасининг “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида” (2004), “Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида” (1997), “Ўрмон тўғрисида” (1999) қонунлари, “Биологик ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш ва олиб киришни назорат қилишни кучайтириш тўғрисида” 2004 йил 28 октябрдан 508-сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори.

Биологик ресурсларни муҳофаза қилиш ва фойдаланиш соҳасидаги қонунчиликка амал қилиб Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси нормативларни белгилайди ва доривор ҳамда озуқа ўсимликларининг хом ашёларини тайёрлашга квота беради. Меъёрларни белгилаш Ўзбекистон Республикаси Фанлар

Академияси ботаника институтининг йиллик илмий асосларига қараб амалга оширилади.

Ёввойи ўсадиган ўсимлик хом ашёси тайёрлаш хажмларини қисқартиришга “Шифобахш” ИБ ўсимлик хом ашёсини экиб етиштира бошлаганлиги ҳисобига эришилди. Шунинг учун, экиб ўстириладиган доривор ўсимликларнинг тиббиёт саноатида ҳиссаси ортиб бормоқда. Шу сабабли, доривор ўсимликларнинг келиб чиқиши, биологияси, экологияси ва хом ашёга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олиб республикамиз вилоятлари учун истиқболли бўлган доривор ўсимликларни қай бирини қайси ҳудудларда ўстириб, хом ашё олиш тўғрисида илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилди.

Барча доривор ўсимликларни қайси қисмидан хом ашё олинишига қараб қуйидаги гуруҳларга бўламиз.

1. Ер ости қисмлари хом ашё сифатида ишлатиладиган доривор ўсимликлар;
2. Тўпгули хом ашё ҳисобланадиган доривор ўсимликлар;
3. Ер устки (ўт) қисми хом ашё сифатида ишлатиладиган доривор ўсимликлар;
4. Уруғи хом ашё сифатида ишлатиладиган доривор ўсимликлар;
5. Мевалари хом ашё ҳисобланадиган доривор ўсимликлар;
6. Япроқ ва тепа қисмлари хом ашё ҳисобланадиган доривор ўсимликлар;

***Capsella bursa pastoris* Medik – Жағ-жағ (ачомбити)**

Кимёвий таркиби. Маҳсулот таркибида гиссопин глюкозидин, бурсо кислота, 0,12% аскорбин кислота, вианмин K1, олма, лимон, вино, фумар кислоталар, холин, ацетилхолин, тирамин, инозит, флавоноидлар (диосмин ва бошқалар), сапонинлар, ошловчи ҳамда бошқа бирикмалар бўлади.

Ишлатилиши. Жағ-жағ ўсимлигининг препаратлари тукқандан кейин бачадон касалликларида, қон оқишини тўхтатиш учун, ҳамда бачадон заифлашганда томусловчи восита сифатида ишлатилади.

Доривор препаратлари. Дамлама, суяқ экстракт.



***Equisetum arvense* L. – Дала қирқбўғими**

Кимёвий таркиби. Маҳсулот таркибида 5 % гача эквизетонин спонини (гидролизланганда эквизетогенин, фруктоза ва арабинозага парчаланади) ҳамда никотин, эквизетин (пальострин) алкалоидлари, флаваноидлар (нарингенинлар, изокверцитрин, кемпферол ва унинг гликозидлари, лютеолин-7-гликозит, эквизетрин, дигидрокемферол, апиценин ва унинг глюкозиди, кверцетин ва унинг гликозитлари, дигидрокверцетин ва бошқалар), 0,03 – 0,19 % витамин С, 4,7 мг% каротин, олма, аконит, оксалат, ва 25 % гача силикат (органик бирикмалар билан бирлашган ва сувда эрийдиган формада) кислоталар бўлади. Булардан ташқари, маҳсулот таркибида ошловчи, аччиқ моддалар ва смолалар учрайди.

Ишлатилиши. Қирқ бўғим препаратлари қон айланиши етишмовчилигида, пешоб йўллари пуфаги яллиғланишида ва пешоб йўллари касалликларида пешоб ҳайдовчи восита



сифатида ишлатилади. Дала қирқ бўғими ўпка сили касаллигининг силикат кислота алмашинувининг бузилишига боғлиқ баъзи формаларини даволашда, бавосил касаллигида қон тўхтатувчи восита сифатида ишлатилади.

Дала қирқ бўғим ўсимлиги буйракнинг баъзи касалликларида (нефрит, нефроз, ва нефрози-нефрит) истеъмол қилинмайди.

Доривор препаратлари. Суюқ экстракт, қайнатма, дамлама. Маҳсулот яна пешоб ҳайдовчи чой – йиғмалар ва Здренко йиғмаси таркибига киради.

Colchicum Kesselring regel – Оқ савринжон

Кимёвий таркиби. Туганакпиез таркибида 1,03 % алкалоид бўлади. Асосий алкалоидлари колхицин ва колхамин (деметилколцин). Бундан ташқари, специозин, колхицерин ва бошқа алкалоидлар ҳам топилган. Алкалоидлар ўсимликнинг гулида (0,8 % гача), уруғида (1,2 % гача) ҳам бўлади.

Маҳсулот таркибида алкалоидлардан ташқари флавоноидлар, фитостеринлар, ароматик кислоталар ва қандлар бор.

Ишлатилиши. Савринжон ўсимлиги таркибидаги алкалоидлар тиббиёт тери раки ва сурункали лейкоз касалликларини даволашда колхицин бод, подагра ва баъзи невралгияни даволашда ишлатилади.

Колхамин ва колхицин ўткир захарли алкалоид. Колхицин колхаминга нисбатан 7-8 марта захарли.

Колхицин биологияда ўсимликларнинг кўп хромосомали полиплоид формаларини етиштиришда ишлатилади.

Доривор препаратлари. Колхамин (таблетка ҳолида чиқарилади), 0,5 % ли колхамин (омаин) суртмаси.

Савринжоннинг Европада ўсадиган тури кузги савринжон – ҳам яхши ўрганилган, у Украинанинг ғарбий



туманларида ҳамда Беларус ва Латвия республикаларида ўсади. Туганакпиези таркибиди 0,26 % гача колхицин, колхамин ва бошқа алкалоидлар, шунингдек, гликоаллоидлар (колхикозид ва бошқалар), флавоноидлар (апигенин ва бошқалар), канд, фитостеринлар, тиоколхицин ва бошқа бирикмалар бор.

Колхицин алкалоиди савринжонни Ўзбекис-тонда ўсадиган тури – оқ савринжон, Кессельринг савринжони - *Colchicum Kesselring Rgl.* ва шу оилага кирувчи ўсимликлардан – санграйкулоқда *Merendera robusta Vge.* да ҳам топилган. Академик О.С.Содиқов шогирдлари билан оқ савринжон таркибида 1,09; ва санграйкулоқ ўсимлигида 0,85 % гача алкалоидлар бўлишини аниқлади. Ҳар иккала ўсимликдаги алкалоидлар йиғмасининг тахминан 70-75 % ни колхицин ташкил этади.

***Colchicum luteum baker* – Сарик савринжон**

Кимёвий таркиби. Туганакпиез таркибида 1,03 % алкалоид бўлади. Асосий алкалоидлари колхицин ва колхамин (деметилколцин). Бундан ташқари, специозин, колхицерин ва бошқа алкалоидлар ҳам топилган. Алкалоидлар ўсимликнинг гулида (0,8 % гача), уруғида (1,2 % гача) ҳам бўлади.

Маҳсулот таркибида алкалоидлардан ташқари флавоноидлар, фитостеринлар, ароматик кислоталар ва қандлар бор.

Ишлатилиши. Савринжон ўсимлиги таркибидаги алкалоидлар тиббиёт тери раки ва сурункали лейкоз касалликларини даволашда колхицин бод, подагра ва баъзи невралгияни даволашда ишлатилади.

Колхамин ва колхицин ўткир захарли алкалоид. Колхицин колхаминга нисбатан 7-8 марта захарли.

Колхицин биологияда ўсимликларнинг кўп хромосомали полиплоид формаларини етиштиришда ишлатилади.

Доривор препаратлари. Колхамин (таблетка ҳолида чиқарилади), 0,5 % ли колхамин (омаин) суртмаси.

Савринжоннинг Европада ўсадиган тури кузги савринжон – ҳам яхши ўрганилган, у Украинанинг ғарбий туманларида ҳамда Беларус ва Латвия республикаларида ўсади. Туганакпиези таркибиди 0,26 % гача колхицин,



колхамин ва бошқа алкалоидлар, шунингдек, гликоаллоидлар (колхикозид ва бошқалар), флавоноидлар (апигенин ва бошқалар), қанд, фитостеринлар, тиоколхицин ва бошқа бирикмалар бор.

Колхицин алкалоиди савринжонни Ўзбекис-тонда ўсадиган тури – оқ савринжон, Кесселринг савринжони - *Colchicum Kesselring Rgl.* ва шу оилага кирувчи ўсимликлардан – санграйқулоқда *Merendera robusta Bge.* да ҳам топилган. Академик О.С.Содиқов шогирдлари билан оқ савринжон таркибида 1,09; ва санграйқулоқ ўсимлигида 0,85 % гача алкалоидлар бўлишини аниқлади. Ҳар иккала ўсимликдаги алкалоидлар йиғмасининг тахминан 70-75 % ни колхицин ташкил этади.

***Ephedra equisetina* ва *Ephedra untermiedia* Schrenk – Қизилча (эфедра)**

Кимёвий таркиби. Маҳсулот таркибида 0,6-3,2% алкалоид бўлади (стандартга кўра абсолют куруқ маҳсулот таркибидаги алкалоидлар суммаси 1,6 %дан кам бўлмаслиги керак). Алкалоидлар суммасининг тахминан 90 % ини эфедрин, қолган қисмини эса псевдоэфедрин ва метилэфедрин алкалоидлари ташкил этади. Маҳсулотлар таркибида алкалоидлардан ташқари, фенол кислоталар (бензоат, долчин, п-кумар, протокатехин ва бошқалар), 660 мг % витамин С, 7-14,04% ошловчи ва бўёқ моддалар учрайди.

Эфедриннинг хлорид кислота билан ҳосил қилган тузи – эфедрин гидрохлорид сувда ва спиртда эрийдиган, рангсиз, ҳидсиз, аччиқ мазали кристалл моддadir.

Ишлатилиши. Эфедрин киши организмига адреналинга ўхшаш таъсир қилади

У адреналиндан асосан кам заҳарлилиги, секин, лекин узоқ таъсир қилиши билан фарқ қилади. Эфедрин оғир операция ёки травмадан сўнг кўп қон йўқотилиши натижасида юз берган коллапс ҳолатида, торфинскополатин ва ганглиотиклар билан заҳарланганда



кўлланилади.

Доривор препаратлари. Эфедрин гидрохло-рид порошок, таблетка ва ампуладаги эритма ҳолида чиқарилади. Эфедрин гидрохлорид турли комплекс препаратлар таркибига киради.

***Thalictrum minus* L – Кичик санчик ўт**

Кимёвий таркиби. Ўсимлик кам ўрганилган. Ер устки қисми таркибида эфир мойи, флавоноидлар (лютеолин, апигенин), витамин Е ва К, гликозидлар, алкалоидлар, ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Ишлатилиши. Ер усти қисмидан олинган таликтриман гидрохлорид препарати бачадон касалликларини даволашда ишлатилади.



***Salvia aethiopis* L – Эфиопия мавраги**

Кимёвий таркиби. Маҳсулот таркибида 0,25 % гача эфир мойи, 0,4 % флавоноидлар (сальвигенин, метоксиллютеолин ва бошқалар), β -стостерин ва унинг глюкозиди ва бошқа моддалар бор.

Маҳсулот эфир мойи пинен, борнеол, кариофиллен, лимоне, линалоол ва бошқа терпеноидлардан ташкил топган.

Ишлатилиши. Маҳсулот кастойкаси терлашни камайтиради. Шунинг учун ўпка силига дучор бўлган беморларга кечаси терлашни камайтириш учун берилади.



Ajuga turkestanika – Лаксман аюгаси

Кимёвий таркиби. Ўсимлик кам ўрганилган. Ер устки қисми таркибида эфир мойи, аччиқ ва бошқа моддалар бор.

Ишлатилиши. Халқ табобатида рак ва безгак касаллигини даволашда ишлатилади.



Mentha arvensis L – Қалампир ялпиз

Кимёвий таркиби. Ўсимлик барглари 2,40-2,75 %, гул тўпламида 4-6 %, поясида 0,3 % эфир мойи бўлади.

Қалампир ялпизнинг янги навлари таркибида 4-5 % гача эфир мойи бор.

XI ДФга кўра барг таркибида (баргни сақлаш даврида эфир мойининг учиб кетишини назарда тутган ҳолда) 1% дан кам эфир мойи бўлмаслиги керак.

Эфир мойи ўсимлигининг ер устки қисмида сув буғи ёрдамида ҳайдаб олинади. Мой тиниқ, рангсиз ёки оч сариқ суюқлик бўлиб, хушбўй хидга ва оғизни узок муддатгача совутадиған ўткир мазага эга.

XI ДФга кўра қалампир ялпиздан олинадиған эфир мойининг зичлиги 0,900-0,910, рефракция сони 1,459-1,470, қутбланган нур текислигини оғдириш бурчаги - 18° (-20° – 32°), кислота соони 1,30 гача ва эфир сони 11,5 дан юқори (4% дан кам бўлмаған ментол ацетат мураккаб эфирга тўғри келади) бўлиши лозим.

Эфир мойи совутилса, унинг стеароптини – ментол кристалл ҳолида ажралади. Мой таркибида 41-70 % ментол, 6-25% ментон, пинен, лимонен, дипентен, фелландрен, цинеол, пулегон, ясмин ҳамда 4-9 % ментолнинг сирка, валериана ва бошқа кислоталари билан ҳосил қилган эфирлари бўлади.

XI ДФга кўра эфир мойи таркибида эркин ва мураккаб эфир ҳолидаги ментолнинг умумий миқдори 50% дан кам бўлмаслиги керак.



Қалампир ялпиз таркибида эфир мойидан ташқари, 40 мг % каротин, гесперидин, эвпаторин ва бошқа флавоноид, бетаин, 0,3 % урсол ва 0,12 % оленол кислоталари бор.

Ишлатилиши. Қалампир ялпиз барги препаратлари эфир мойидан тайёрланган ялпиз суви, настойкаси кўнгил айланиши ва қусишга қарши ишлатилади.

Доривор препаратлари. Баргидан дамлама, эфир мойидан ялпиз суви – Aqua Menthae, настойка тайёрланади; ментол мигрен қалами, валидол (изовалериан кислотанинг ментол билан ҳосил қилган мураккаб эфиридаги ментолнинг 25-30 ;ли эритмаси) таркибига киради.

Барг тинчлантирувчи, ўт ҳайдовчи, меъда касалликларида ишлатиладиган йиғмалар – чойлар ва қорин оғриғини қолдириш учун ишлатиладиган таблетка ва томчилар таркибига киради.

Ментол ингофен таркибига киради.

Ялпизнинг бошқа турлари таркибида ҳам ментол бор. Японияда экиладиган *Mentha arvensis* L. var. *Piperascens* Hom. ning ер устки қисмида 0,05 % эфир мойи, мойи таркибида эса 43-90 % ментол бўлади.

***Polygonum aviculare* L – Қуш торон (қизилтасма)**

Кимёвий таркиби. Маҳсулот таркибида 120-887 мг % аскорбин кислота, витамин К, авикулярин, кверцитрин ва гиперозид флавоно гликозидлари, каротин, оз миқдорда эфир мойи, 3-4 %, ошловчи ва бошқа моддалар бўлади.

Ишлатилиши. Қуш тороннинг доривор препаратлари акушерлик, гинекология амалиётида, тукқандан ва абортдан кейин қон кетишини тўхтатувчи, буйрак ва буйрак тоши касалликларида ишлатилади.

Доривор препаратлари. Дамлама. Маҳсулот Здренко йиғмаси таркибига киради.



Achillea Arabica Kotschy

Кимёвий таркиби. Маҳсулот таркибида каротин, К ва С витаминлар, ахиллеин, ва бетоницин алкалоидлари, 0,8 % гача эфир мойи, маткикарин изомери, миллефин лактони, 0,31 % холин, аспарагин, смола, ошловчи, аччиқ (прохамазулен – ахилин) ва бошқа моддалар бўлади.

XI ДФга кўра маҳсулот таркибидаги эфир мойининг миқдори 0,1 % дан кам бўлмаслиги керак.

Эфир мойи таркибида 1-4 % гача хамазулен (асосий кисми, эфир мойини олиш вақтида прохамазулендан ҳосил бўлади), туйон, камфора, борнеол, кариофиллен, 10 % гача цинеол, чумоли, сирка ва валериан кислоталар бор.

Ишлатилиши. Маҳсулотнинг доривор препаратлари меъда – ичак (меъда яраси ва гастрит ҳамда шиллиқ қаватнинг яллиғланиши) касалликларини даволаш, иштаҳа очиш ва қон тўхтатувчи дори сифатида (ичакдан, бачадондан ва гемorroидал қон кетиши) ҳамда бурун, милк ва яралар қонаганда уни тўхтатиш учун ишлатилади.

Доривор препаратлари. Суюқ экстракт, дамлама, ер утски қисми порошоги.

Маҳсулот иштаҳа очиш, қон кетишини тўхтатиш учун ва меъда – ичак касалликларида ишлатиладиган йиғмалар – чойлар таркибига киради.



Lagochilus seravschanicus Knorring

Кимёвий таркиби. Маҳсулот таркибида 10-12,8 % ошловчи моддалар, 0,1 0,4 % антрацен унумлари (гиперицин, псевдогиперицин ва бошқалар), флавоноидлар (гиперозид, рутин, кверцитрин, изокверцитрин, кверцетин, мирицетин ва бошқалар), 0,1-0,33 % эфир мойи, 55 мг% каротин, 1151,8 % витамин С, 34 мг % холин, жуда оз миқдорда алкалоидлар ва 10 % гача смола бўлади.

Ишлатилиши. Маҳсулотнинг доривор препаратлари буриштирувчи, антисептик ва яра тўқималарини тез ботирувчи таъсирга эга. Тиббиётда меъда-ичак (колти, ич кетиши), оғиз бўшлиғи (гингивит ва стоматит) касалликлари ҳамда II ва III даражали куйишларни даволашда, шунингдек, оғизни чайиш учун ишлатилади.

Ўсимликнинг ер устки қисми бактерицид таъсирга эга.

Доривор препаратлари. Дамлама, настойка, суюқ экстракти, бактерицид препарат новоманин, пеплафит (катехинлар суммаси таблетка ҳолида Болгарияда чиқарилади, витамин Р таъсирга эга).

Номоиманин тўқ кўнғир рангли кукун бўлиб, улар сувдаги 0,5-1 % ли эритма ҳамда у кукун ҳолида ва суртма сифатида оддий, йиринглаган яралар, куйган жой, чипқон ва бошқа йирингли жараёнларни даволашда ишлатилади.

Далачойни ўсимликнинг мойли экстракти (далачой мойи) меъда – ичак яраси касалликларини даволашда ишлатилади.



Lamium amplexicaule L. - Чаёнўт

Кимёвий таркиби. Чаёнўт ўсимлигининг препаратлари қон ивишини тезлатувчи ва бачадонни тонусловчи таъсирга эга. шунинг учун улар бавосил касаллигида ҳамда акушерлик – гинекология практикасида қон тўхтатувчи дори сифатида, варикоз сурункали яраларни давланда, гипо – ва авитаминоз касалликларига қўлланилади.

Баргдан олинган уртифиллин препарати яраларни ва куйганларни даволаш учун ишлатилади.

Баргдан ажратиб олинган хлорофилл эса озиқ – овқат саноатида ва фармацевтика амалиётида бўёқ модда сифатида ишлатилади.

Ишлатилиши. Маҳсулот таркибида 100-1600 мг % витамин С, 4,52-7,58 мг % витамин К 1 (1 г маҳсулотда 400 биологик бирликкача) ва В2, 14-50 мг % каротиноидлар, пантотен ва чумоли бирикмалари, ситостерин, гистамин, 2-5 % гача хлорофилл, флавоноидлар (кверцетин, изорамнетинкемпферол ва уларнинг гликозидлари), фенол (кофе, ферул, п-кумар) кислоталар, оз миқдорда (2% дан ортиқроқ) ошловчи ҳамда бошқа моддалар бўлади.

Доривор препаратлари. Суюқ, экстракт.



Potentilla asiatica (Th.Volf) Juz.

Кимёвий таркиби. Маҳсулот таркибида 15-30 % ошловчи моддалар, тритерпен сапининлар – торментозид (торментол сапогенинига ва 2 молекула глюкозага парчаланади) ва хинован кислота (α – амирин гуруҳига кирувчи хиновин сапогенинига ва 1 молекула қандга парчаланади), флавоноидлар, эллаг кислота, флобафенлар, смолалар, крахмал ва бошқа моддалар бўлади.

Маҳсулотнинг ошловчи моддалари йиғиндисидан катехин ва унинг ди – ҳамда тримерлари ажратиб олинади.

Ишлатилиши. Маҳсулотнинг доривор препаратлари буриштирувчи ва антисептик дори сифатида оғизнинг шиллиқ қаватлари яллиғланиши (стоматит, гингивит) ва ангинада оғиз чайиш учун ҳамда меъда – ичак касалликларини (энтерит, энтероколит, диспенсия) даволашда ишлатилади. Бундан ташқари, илдизпоя препаратлари экзема ва бошқа тери касалликларини ҳамда терининг куйган жойларини даволашда қўлланилади.

Доривор препаратлари. Қайнатма. Илдизпоя меъда – ичак касалликларида ишлатиладиган чойлар – йиғмалар таркибиги киради.



Hypericum elongatum Ledeb

Кимёвий таркиби. Маҳсулот таркибида 10-12 % ошловчи моддалар, 0,1 0,4% антрацен унумлари (гиперицин, псевдогиперицин ва бошқалар), флавоноиддар (гиперозид, рутин, кверцитрин, бизокверцитрин, кверцетин, мирицетин ва бошқалар), 0,1-0,33 % эфир мойи, 5 мг % каротин, 1151,8 мг % витамин С, 34 мг % холин, жуда оз миқдорда алкалоидлар ва 10 % гача смола бўлади.

Ишлатилиши. Маҳсулотнинг доривор препаратлари буриштирувчи, антисептик ва яра тўқималарини тез битирувчи таъсирга эга. тиббиётда меъда – ичак (колит, ич кетиши), оғиз бўшлиғи (гингивит ва стоматит) касалликлари ҳамда II ва III даражали куйишларни даволашда, шунингдек, оғизни чайиш учун ишлатилади.

Доривор препаратлари. Дамлама, настойка, суюқ экстракци, бактерицид препарат новоманин, пфлавит (катехинлар суммаси таблетка ҳолида Болгарияда чиқариладиган, витамин Р таъсирига эга).



Equisetum ramosissimum Desf - Қирқбўғим

Кимёвий таркиби. Маҳсулот таркибида 5 % гача эквизитонинсапонини (гидролизланганда эквизетогенин, фруктоза ва арабинозага парчаланади) ҳамда никотин, эквизетин (пальострин) алкалоидлари, флавоноидлар (нарингенин, изокверцитрин, кемпферол ва унинг глюкозид, эквизетрин, дигидрекемферол, апигенин ва унинг глюкозиди, кверцетин ва унинг гликозидлари, дигидрокверцетин ва бошқалар), 0,03-0,19 % витамин С, 4,7 мг % каротин, олма, аконит, оксалат ва 25 % гача силикат (органик бирикмалар билан бирлашган ва сувда эрийдиган формада) кислоталар бўлади. Булардан ташқари, маҳсулот таркибида ошловчи, аччиқ моддалар ва смолалар учрайди.

Ишлатилиши. Қирқбўғим препаратлари қон айланиши етишмовчилигида, пешоб пуфағи яллиғланишида ва пешоб йўллари касалликларида пешоб ҳайдовчи восита сифати ишлатилади. Булардан ташқари, дала қирқбўғими ўпка сили касаллигининг силикат кислота алмашинувининг бузилишига боғлиқ баъзи шакллари даволашда, шунингдек, бачадондан қон оққанда ва бавосил касаллигида қон тўхтатувчи модда сифатида ишлатилади.

Дала қирқбўғими ўсимлиги буйракнинг баъзи касалликларида (нефрит, нефроз ва нефрозо-нефрит) истеъмол қилинмайди.

Доривор препаратлари. Суюқ экстракт, қайнатма, дамлама.

Маҳсулот яна пешоб ҳайдовчи чой – йиғмалар ва Здренко йиғмаси таркибига киради.



Allium longicuspis Regel - Пиёз

Кимёвий таркиби. Пиёзбоши таркибида 0,01-0,05% эфир мойи, 10-11 % қанд, 10 мг % витамин С, 60 мг % витамин В1, каротин, флавоноидлар бўлади. Пиёз баргида 20 мг% витамин С, 50 мг % витамин В2, 4 мг % каротин, эфир мойи, лимон ва олма кислоталари бор.

Пиёзнинг эфир мойи таркибида олтингугуртли бирикмалар (асосан дисульфид ва бошқалар) учрайди.

Ишлатилиши. Пиёз ўсимлигининг доривор препаратлари ичак атонияси, колит, артерио-склероз, гипертония касаллигининг склеротик шаклини ва авитаминоз касалликларини даволаш учун ишлатилади. Бу препаратлар ринит касаллигида бурун шиллиқ қаватларига суртилади ва гинекологияда трихомонада кольпитини даволашда ҳам қўлланилади. Пиёз ўсимлигининг препаратлари бактерицид хоссасига эга. Майдаланган пиёзбошидан қийинлик билан битадиган ва йирингли яраларни даволашда ҳам фойдаланилади.



Халқ табobatiда пиёз пешоб ҳайдовчи ва цинга касаллигини даволаш дори сифатида ишлатилади.

Доривор препаратлари. Аллилчеп (настойка).

***Artemisia dracunculus subsp. turkestanica* Krasch**

Кимёвий таркиби. Аччиқ шувок ўсимлигининг ер устки қисми таркибида 0,5-2 % эфир мойи, аччиқ гликозидлар (0,09-0,525% абсинтин, 0,03% абсинтин), хамазулен, прохамазуленоген, арабсин, қахрабо, олма ва аскорбин кислоталари, каротин, арабсин ва бошқа лактонлар, артемизетин флавоноиди ҳамда ошловчи моддалар бўлади. Аччиқшувок ўсимлигининг гул тўпламида (саватчаларида) кўп миқдорда (151,0-292,0 мг%), айниқса, гуллашдан олдин (292,0мг%) поясида эса энг кам миқдорда (1-3 мг %) хамазулен тўпланади. Поянинг юқори қисмида жойлашган ёш баргларда (175,0 мг %) поянинг пастки қисмида жойлашган баргларга (90,0 мг%) нисбатан 2 баравар кўп хамазулен бўлади.

Эфир мойи тўқ яшил рангдаги заҳарли суюқлик бўлиб, таркибида 24,1-35,2 % туйил спирти, кетон-туйон, пинен, кадилин, феландрен, кариофелин ҳамда туйил спиртининг сирка ва палиминетин кислоталари билан ҳосил қилган эфирлар бор.

Ишлатилиши. Аччиқ шувок ўсимлигининг препаратлари иштаҳа очганда ва овқат ҳазм қилишга ёрдам берувчи дори сифатида ҳамда жигар, ўт пуфаги ва гастрит касалликларида ишлатилади. Ўсимликдан олинган хамазулен хронхеал астма, ревматизм, экзема касалликлари ва рентген нури таъсирида куйган ерларни даволашда қўлланилади.

Доривор препаратлари. Ўсимликдан дамлама, настойка ва қуюқ экстракт тайёрланади. Ўсимлик иштаҳа очувчи ва ўт ҳайдовчи йиғмалар – чойлар ва меъда касалликларида ишлатиладиган таблеткалар ва аччиқ настойка таркибига киради.



***Origanum tyttanthum* Gontsch**

Кимёвий таркиби. Маҳсулот таркибидан 0,12-1,20 % эфир мойи, ошловчи моддалар, аскорбин кислота ва фенол карбон кислоталар бўлади.

XI ДФ га кўра маҳсулот таркибидаги эфир мойининг 0,1 % дан кам бўлмаслиги керак.

Эфир мой таркибида 44 %гача фенол 12,5 % бисиклик ва трисиклик сесквитерперлар, 12,8 -15,4 % соф ҳолдаги спиртлар ва 2,63-5 % гераниласитат бор.

Ишлатилиши. Тиббиётда тоғ райхондан тайёрланган препаратлар ичак атонияси касаллигида ҳамда иштаха очувчи ва овқат ҳазм қилиш жараёнинг яхшиловчи дори сифатида ишлатилади. Булардан ташқари у балғам кўчирувчи дори ва терлатувчи восита сифатида ҳам қўлланилади. Эфир мойи эса тиш оғриғини қолдириш учун ишлатилади.

Доривор препаратлари. Дамлама. Маҳсулот тер ҳайдовчи ва кўкрак касалликларида ишлатиладиган йиғмалар — чойлар таркибига киради.



Hypericum perforatum L. - Далачой —Зверобой

Далачой (дизилпойча, чойут, сарик, чой, чой чуп)—чой-ўтдошларга мансуб ўсимликлар туркумига киради. Куп йиллик, баъзан бир йиллик ўт булиб, бута ёки чала буталардан иборат. Буйи 75 см гача боради. Пояси бир ёки бир нечта, сил-лик,, юкрри к,исми шохланган. Барглари Қарама-қарши ёки доира бўлиб урнашади. Гуллари сарик,, рувак ёки шода туп гулларга йиғилган. Меваси — кусакча. Далачой адир поясидаги жойлардан тоғ минтакасининг ўрта к,исмигача булган ерларда турли шароитга мослашган ҳрлда учрайди. Ўсимлик май — ав-густда гуллайди, июль — сентябрда эса уруги етилади.

Маълумотларга караганда (Ў.З.Зокиров, Х.А.Жамолхонов, 1973), далачойнинг 200 га яқин тури бор. Аксарият Ўрта денгиз районларида учрайди.

Далачой турлари таркибида эфир мойлари, антоцианлар, каротин, салмокди миқдорда витамин С(1151, 8мг гача), қанд, ошловчи моддалар, флаворн гликозидлар, қатрон ва микроэлементлар бор.

Далачой шифобахш ўсимлик сифатида дадимдан қуллани-либ келинади. Абу



Али ибн Сино далачай усимлигини оғриқ қолдирувчи, сийдик ҳайдовчи дори сифатида ва турли яра ҳамда жароҳатларни даволашда ишлатган.

Халқ медицинасида далачайдан тайёрланган дорилар дизентерия, ошқозон-ичак оғриқлари, ошқозон яллиғланиши, жигар, ўпка ва юрак касалликларини даволашда тавсия этилади. Ўсимлик турларидан тайёрланган дамламалар сузак, буйрак тоши, қин ва бачадон хасталикларини даволашда ижобий натижалар бергани билан маълум.

А.П.Поповнинг келтирган маълумотларига қараганда, далачай грипп, ангина, ревматизмда, суякларни қашдаб оғришида шунингдек, кечаси сийдик тута билмаслик ҳолатларида ижобий натижа беради.

Далачай турларидан уй шароитида қуйидагича дахлама тайёрлаш мумкин: оғзи ёпиладиган идишга бир стакан қайнаб турган сув қуйиб, унинг устига ўсимликнинг майдаланган ер устки қисмидан 10 г солинади ва дахлаб қуйилади. Сўнгра доқада сузилади. Дамламадан кунига 2-4 маҳал овдатдан кейин бир ош қошиқдан ичилади (Д.Х.Холматов, З.Д.Дабибов). Мазкур усулда тайёрланган дахламадан сийдик ҳамда гижжа ҳайдовчи омил сифатида фойдаланилади.

Ҳозир дорихоналарда саноат миқёсида чиқарилаётган «Далачай ути» («Трава зверобоя») мавжуд булиб, улар ихчам қутичаларга жойлаштирилган. Ёрликчаларида, ундан қандай фойдаланиш йуллари курсатилган.

Илмий медицинада далачай усимлигининг доривор препаратлари тинчлантирувчи сифатида, ўткир ҳамда сурункали колит касаллигини даволашда ишлатилса, ундан олинган иманин препарати II-III –даражали қуйишни, терининг яллиғланишини, оғиз бўшлиғини (гингивит, стаматит) даволашда қўлланилади.

Далачайнинг яна бир хусусияти – ундан сариқ, яшил, қизил ва қора рангли бўёқлар тайёрланади.

***Achillea arabica* Kotschy – Араб бўймадорони - Биберштейна арабика**

Хусусияти: Доривор.

Фойдаланиладиган қисми: Ер устки қисм.

Таркиби: Гулида Флавиноидлардан: кварцетин, лютеолин, гиперозид, цинарозид, рутин. Кумаринлар, эфин мойлар, С витамини, полисахаридлар, ошловчи моддалар ва бошқа бирикмалар мавжуд (Холматов ва б., 2006).

Қўлланилиши: Фармакологик ўрганишлар натижасига кўра тайёрланган дахлама сийдик ҳайдовчи, қон тўхтатувчи таъсирга эга эканлиги аниқланган (Холматов ва б., 2006). Халқ табобатида қадимдан қўлланилиб келинади. У қон тўхтатувчи, жараҳатларни даволовчи, ошқозон ичак ва иштаха очувчи омил сифатида фойдаланиб келинган. Ибн Сино ўсимликнинг гулларида тайёрланган дахлама орқали тарқаш қийин бўлган



шишларни, жарохат ва бел оғриғи сингари касалликларни даволашда қўллаган (Набиев ва б., 1989)

Тарқалиши: Фарғона водийси, Мирзачўл, Жунғор Олатоғи, Тиён-Шон, Помир Олой, Бадхиз ва Болқон, Бойсунда тарқалган.

***Ajuga turkestanica* (Regel) Briq. – Туркистон аюгаси - Живучка туркестанская.**

Хусусияти: Доривор.

Фойдаланиладиган қисми: Ер устки қисми.

Таркиби: Фитоэкдизон моддлардан: туркестерон, экдистерон, циастерон, аюгстан, (баргида): экдистерон, аюгалактон, аюгастерон ва бошқа моддалар мавжуд (Холматов ва б., 2006).

Қўлланилиши: Халқ табобатида мазкур ўсимликдан семизликдан сақланишда, соч тўкилиши ва ошқозон ичак касалликларида фойдаланилади. Тиббиётда мазкур ўсимликдан олинган моддлардан фойдаланилган ҳолда юрак-қон томир касалликларини (миокард инфаркти) даволашда ишлатилмоқда (Курмуков ва б., 2012).

Тарқалиши: Помир Олой: Жануби-ғарбий Ҳисор (Кўхитанг ва Бойсун), Тожикистоннинг жанубидаги паст тоғларда тарқалган.



***Asyneuma argutum* (Regel) Bornm. et Biehler - Ўткиртиш азинеум - Азинеума остроzubчатая**

Хусусияти: Доривор.

Фойдаланиладиган қисми: Ер устки қисми ва илдизи.

Таркиби: Сопанинилар, флавиноидлардан: апигенин, лютеолин, лютеолина, диосмин сингари моддалар бор (Рас.Рес. 1.Т. 1996).

Қўлланилиши: Мазкур ўсимликнинг илдизидан тайёрланган дамлама юрак фаолитяини яхшилайти. Ундан ташқари ревматизм ва сил касаликлариға қарши дори сифатида ишлатилади (Синицын, 1982).

Тарқалиши: Тиён-Шон ва Помир



Олой ва Бойсун тизмаларида.

Bieberstenia multifida DC.

**- Кўпбўлакли биберштейния, контепар - Биберштейния
многонадрезная**

Хусусияти: Доривор.

Фойдаланиладиган қисми: Илдизи.

Таркиби: Углеводли бирикмалардан: моносахарид, крахмал, декстрин, сапонин, Алкалоидлардан: вазицинон, флавиноид ва эфир мойлар мавжуд (Рас.Рес. 4.Т. 1988).

Қўлланилиши: Тиббиётда ўсимликдан олинган моддалардан овқат хазм қилиш органларини даволашда ишлатилади. Ундан ташқари турхил инфекциялар, астма сингари касалликларни даволашда ҳам фойдаланилади. (Курмуков ва б. 2012, Рас.Рес. 4.Т. 1988).

Тарқалиши: Бутун Ўрта Осиёнинг текисликдан тоғ минтақасигача, Балхаш ва Балхан, Бойсун бўйлаб тарқалган.



**Capsella bursa-pastoris (L.) Medik – Жағжағ, ачамбити - Пастушья
сумка обыкновенная.**

Хусусияти: Доривор.

Фойдаланиладиган қисми: Ер устиги қисми гули, барги ва поясидан курутилгандан сўнг дамлама ва турли хил таомларга қўшилган холда ҳам истеъмол қилинади.

Таркиби: Ер устки қисмида ошловчи моддалар, флавиноидлар, С ва К витаминлари, холин, инозит, гиссопин гликозиди ва бошқа бирикмалар бор (Холматов ва б., 2006, Курмуков ва б. 2012).

Қўлланилиши: Тиббиётда фойдаланиш учун ер устки қисмидан Гален препарати тайёрланади. Ҳалқ табобатида тайёрланган дамлама ва қайнатмасидан (ўпка, гепертония, буйрак) касалликларида қўлланилади. Ундан



ташқари қон тўхтатувчи восита сифатида ҳам фойдаланилади (Холматов ва б., 2006).

Тарқалиши: Бутун Ўрта Осиёда кенг тарқалган ўсимлик.

**Codonopsis clematidea (Schrenk) C.B.Clarke Қорақурт, доғбой -
Кодонопсис ломоносовидный**

Хусусияти: Доривор.

Фойдаланиладиган қисми: Ер устиқи қисми, гули, барғи ва поясидан қурутилгандан сўнг дамлама холида истеъмол қилинади.

Тарқиб: Барғида: эфир мойлар, сопанин, С витамин. Поясида: эфир мойлар, сопанин, Алколоидлардан; кодонопсин, кодонопсинин, . Флавиноидлардан: апиғенин, лютеолин, цинарозид, Гулида флавиноидлар, С витамини ва бошқа моддалар бор (Рас.Рес. 6.Т. 1991, Курмуков ва б., 2012).

Қўлланилиши: Мазкур ўсимликдан халқ табобати ўт хайдовчи ва жигар (гепатит) касаликларини даволашда ишлатилади. Тиббиётда ўсимликдан тайёрланган дори воситалари орқали ёғларни парчаловчи дори дармонлар тайёрланади (Курмуков ва б., 2012). Илдизидан тайёрланган дамлама эса асаб тизимини тинчлантурувчи дори сифатида фойдаланилади (Рас.Рес. 6.Т. 1991).

Тарқалиши: Жунғор Олатоғи тоғи, Тиён-Шон ва Помир Олой, Бойсун тизмаларида.



***Equisetum arvense* L. - Дала қирқбўғими - Хвош полевой.**

Хусусияти: Доривор.

Фойдаланиладиган қисми: Ер устиқи қисми. Спора ҳосил қилмайдиган шохларидан олинадиган ва қурутилиб, дамлама ҳолида истеъмол қилинади.

Таркиби: Ер устиқи қисмида 5 %гача эквезетонин сапонини, флавиноидлар, С витамини, каротин, сувда эрийдиган силикат, органик бирикмалар ва бошқа моддалар бор (Курмуков ва б., 2012).

Қўлланилиши: Халқ табобатида сийдик хайдовчи, қон оқитишчи тўхтатувчи дори сифатида фойдаланилади. Ибн Сино ўсимликдан олинган шира билан яраларни даволаган

ва қонли ич кетиш ҳамда ич қотишда ишлатган. Ўсимлик таркибида сувда эрийдиган силикат кислотанинг органик бирикмалари ўпка силлини айрим хилларини даволашда ишлатилади (Холматов ва б., 2006)

Тарқалиши: Европа, Кавказ ва Бутун Ўрта Осиё бўйлаб адир ва тоғли ҳудудларнинг сернам жойларида учрайди.



***Naplophyllum bucharicum* Litv. - Бухоро тошбақаўти - Цельнолистник бухарский**

Хусусияти: Доривор

Фойдаланиладиган қисми: Ер устиқи қисми.

Таркиби: Эфир-мой, алколоид, фолифин, хаплопин, диктамин, скиммианин, робустин, бухараин, флиндерсин (илдизида), алкалоидли бирикмалар (баргида) мавжуд (Курмуков ва б., 2012).

Қўлланилиши: Тиббиётда ўсимликдан олинадиган Бухарин ва унинг бирикмаларидаги эфир мойларидан нерв сиситемасини тинчлантурувчи ва бактериаларга қарши дори сифатида ишлатилади Курмуков ва б., 2012).

Тарқалиши: Помир Олой: Жануби-Ғарбий Ҳисор; Кўхитанг ва Бойсун тоғларида.



Harlophyllum robustum Bunge - Бақувват тошбақаўт - Цельнолистник мощный

Хусусияти: Доривор.

Фойдаланиладиган қисми: Илдизи.

Таркиби: Алкалоидлардан: робустинин, диктамнин, скимианинхаплотин ва хаплопин моддалари мавжуд (Рас.Рес. 4.Т. 1988).

Қўлланилиши: Тиббиётда ўсимликдан олинган моддалардан ўсма ва онкологик касалликларни даволашда ишлатилади (Рас.Рес. 4.Т. 1988).

Тарқалиши: Сирдарё ва Амударё ҳавзасида, Қизилқум, Фарғона водийсида, Зарафшон дарёси ҳавзасида, Қарши, Қарнопчўл, Помир Олой тоғларда тарқалган.



Hypericum elongatum Ledeb - Далачай. - Зверобой вытянутый

Хусусияти: Доривор.

Фойдаланиладиган қисми: Ер усти қисми, қурутилгандан сўнг дамлама холида истеъмол қилинади.

Таркиби: Ер устки қисмида 12,8%гача ошловчи моддалар, флавиноидлар, эфир мойи, С витамини ва бошқа бирикмалар бор (Холматов ва б., 2006).

Қўлланилиши: Ҳалқ табобатида тайёрланган дамламадан меъда - ичак ва қон оқшини тўхтатувчи дори сифатида фойдаланилади. Туркумнинг бошқа турларидан тайёрланган фитопрепаратлар турлича таъсир кўрсатади (ўт хайдовчи, ошқозон-ичак спазмасини йўқотувчи, сийдик хайдовчи, қотирувчи). Ундан ташқари



далочой турлари бошқа турдаги доривор ўсимликлар билан бирга кўп ҳолларда қўлланилади (оғиз бўшлиғи ва жигар касаликларига) (Холматов ва б., 2006).

Тарқалиши: Бутун Ўрта Осиёнинг тоғли ҳудудларида, Бетпак-дала, Кунгай Олатоғи, Қирғиз Олатоғи, Таласс, Копетдоғ, Балхан ва Бадхизда тарқалган.

**Lagochilus seravschanicus Knorring -
Зарафшон бозулбанги - Зайцегуб
Заравшанский**

Хусусияти: Доривор.

Фойдаланиладиган қисми: Ер устки қисми.

Таркиби: Лагохилин, стахидрин, эфир мойлар, К витамини, каротин, аскорбин кислотаси, смола, ошловчи ва бошқа кальций, темир тузли бирикмалар мавжуд .

Қўлланилиши: Ўсимликдан олинган дори махсулотлари ички ва ташқи қон кетишда, гемородиал қон оқишда, гемофилия ва Верльгоф касаллигини даволашда ишлатилади (Холматов, Ахмедов, 1981).

Тарқалиши: Тиён-Шон ва Помир Олой тизмаларида учрайди.

**Valeriana chionophila Popov et Kult. -
Қорсевар асарун - Валериана снеголюбивая**

Хусусияти: Доривор.

Фойдаланиладиган қисми: Илдизпояси ва барги.

Таркиби: Эфир мойлар, мураккаб эфирлардан: терпинеол, пинен, камфен, азулин, лимонен, борнеол сингари маддалар, изовалериан кислота ва бошқа бирикмалар мавжуд (Холматов ва бошқ., 1995).

Қўлланилиши: Тиббиётда ундан олинган дори дармонлар уйқусизликка, асаб тизимига, юрак қон томир касалликлари (невроз, тахикардия) ва бошқа касалликларни даволашда ишлатилади (Холматов ва б., 1995).

Тарқалиши: Тиён-Шон, Помир Олой тизмаларида тарқалган.



***Andrachne rotundifolia* C.A.Mey. -
Доирабарг кўкмараз Андрахне круглолистная**

Хусусияти: Доривор ва алколоидли

Фойдаланиладиган қисми: Ер устки қисми (барги).

Таркиби: Эфир мойлар, флавиноидлар (андро-зид), алколоид (андрахинин, перофин, хоплопин), стероидлар ва спиртли бирикмалар мавжуд (Рас.Рес. 2(2). Т. 1986).

Қўлланилиши: Ушбу ўсимликдан асосан вете-ринария соҳасида кенг қўлланилади. Хайвонларни овқат хазм қилиш ва нафас олиш органларидаги турли касалликларни даволашда ишлатилади.

Тарқалиши: Кавказ, Ўрта Осиё, Орол олди текисликларида, Тиён-Шон, Помир Олой тизмаларининг адир ва тоғ минтақаларида қисман тарқалган.



***Convolvulus. arvensis* L. - Дала печаги
Вьюнок полевой**

Хусусияти: Доривор ва алколоидли

Фойдаланиладиган қисми: Ер устки қисми (гули)

Таркиби: Алколоидлар, С витамини, кумаринлар флавиноидлар, сапонинлар, стероидлар ва бошқа бирикмалар (Рас.Рес. 5.Т. 1990).

Қўлланилиши: Турли халқларда турлича мақсадларда фойдаланилади. Мўғиллар тиббиётида ўсимликдан тайёрлаган дори воситалари билан кўз, қулоқ оғриғи, астралгин, дерматоз сингари касалликларни даволаса. Ҳиндистоннинг халқ табобатида невроз, аёллар касалликлари, тиш оғриғи, гастрит, энтероколит касалликлари даволашда ишлатадилар. Тиббетда мазкур ўсимлик сил касаллигининг енгил кўринишларини, атресклероз, сефилисе сингари касалликларни даволашда қўлланишади (Рас.Рес. 5.Т. 1990). Мазкур ўсимликдан кўп миқдорда дори воситалари тайёрланади.



Тарқалиши: Европа ва Марказий Осиё бўйлаб кенг тарқалган.

Cichorium intybus L – Сачратқи - Цикорий обыкновенный

Хусусияти: Доривор ва ем-хашакли

Фойдаланиладиган қисми: Ер устки қисми ва илдизи

Таркиби: Флавиноидлар, кумаринлар, В, С витаминлар, эфир мойлар, органик кислоталар ва бошқа бирикмалар бор (Холматов ва б., 2012).

Қўлланилиши: Ибн Сино мазкур ўсимлик орқали иситма, ич кетиши, кўнгил айниши, кўз яллиғланиши ва бошқа касалликларни даволаш учун тавсия қилган. Халқ табобатида ўсимликнинг илдизи ва ер устки қисмидан тайёрланган дамлама орқали жигар ва ўт пуфаги, талоқ, буйрак ва бошқа орган касалликларини даволашда ишлатилади. Тиббиётда сачратқининг Гален препаратлари ўт хайдовчи, яллиғланишга қарши таъсир этириши аниқланилган. Халқ орасида мазкур ўсимликдан иссиқ урганда ванна қилиш орқали кенг қўлланилади (Холматов ва б., 2006).

Тарқалиши: Европа, Кавказ ва Ўрта Осиё бўйлаб кенг тарқалган.



Convolvulus subhirsutus Regel et Schmalh. - Жунли печак, оқпартак Вьюнок шерстистый

Хусусияти: Доривор ва ем-хашакли
Фойдаланиладиган қисми: Ер устки қисми ва илдизи

Таркиби: Алкалоидлар, органик кислоталар ва бошқа бирикмалар бор (Курмуков ва б., 2012).

Қўлланилиши: Ўсимликдан олинган моддалар асосан тиббиётда кенг қўлланилади. Унинг таркибидаги конвольвин ва конволамин моддалар кўз соҳасидаги нерв толаларига таъсир кўрсатади (Курмуков ва б., 2012).

Тарқалиши: Ўрта Осиё тоғли ҳудудларида тарқалган.



***Equisetum ramosissimum* Desf. -
Тарновчўп, шохланган қирқбўғим - Хвощ
ветвистый**



Хусусияти: Доривор ва ем-хашакли
Фойдаланиладиган қисми: Ер устиқи қисми.
Спора ҳосил қилмайдиган шохларидан олинади
ва қурутилган ҳолда дамлама ҳолида истеъмол
қилинади.

Таркиби: Ер устки қисмида 5 %гача
эквезетонин сапонини, флавиноидлар, С
витамини, каротин, сувда эрийдиган силикат,
органик бирикмалар ва бошқа моддалар бор.

Қўлланилиши: Ҳалқ табобатида сийдик
хайдовчи, қон оқшини тўхтатувчи дори
сифатида фойдаланилади. Ибн Сино ўсимликдан
олинган шира билан яраларни даволаган ва
қонли ич кетиш ҳамда ич қотишда ишлатган. Ўсимлик таркибида сувда эрийдиган
силикат кислотанинг органик бирикмалари ўпка силини айрим хилларини даволашда
ишлатилади (Холматов ва б., 2006)

Тарқалиши: Европа, Кавказ ва Бутун Ўрта Осиё бўйлаб адир ва тоғли
ҳудудларнинг сернам жойларида учрайди.

***Achillea millefolium* L.- Бўймодарон - Тысячелистник**

Бўймодарон мураккабгулдошлар оиласига мансуб бўлиб, пояси бир ёки бир неча
чизиқли, бўйи 70—80 см га етадиган кўп йиллик ўт ўсимлиқдир. Унинг барги
патсимон қирқилган, яшил рангли, устки томони тукли, улар поячада бандсиз
кетма-кет жойлашган. Поянинг учида ясси тўпгуллар саватча кўринишида
жойлашган бўлиб, ранглари кумушсимон-оқ бўлади. Маваси — кулранг писта.
Ўсимлик бизнинг шароитимизда июнь-август ойларида гуллайди, меваси ёзнинг
охири ва куз бошларида пишади.

Бўймодарон Республикамизнинг кўпгина районларида ўсади. У адир, қир, ўтлоқ
тоғ ёнбагирлари, йўл атрофлари, боғларда, майда шағалли қияликларда учрайди.

Бўймодарон шифобахш бўлиб, унинг таркибида кўп миқдорда витамин С, К, каротин, фитонцидлар, эфир мойлари, гликоалкалоид - ахиллеин, флавоноидлар, органик кислоталар, микроэлементлар, шунингдек ошловчи, қаттиқ, моддалар, эфир мойлари бор.

Бўймодарон халқ табобатчилигида қадимдан қўлланилиб келинади. У қон тўхтатуви, яра бўлган ва жароҳатланган жойларни, ошқозон-ичак хасталикларини, зотилжам, бош оғриғини даволовчи, иштаха очувчи, сийдик ҳайдовчи омил сифатида ҳам ишлатилган. Ўсимлик гулларининг кукуни асал билан аралаштириб қабул қилинганда гижжа туширади. Буймодарондан буйракдаги тошни туширишда, нафас йули шамоллаганда фойдаланганлар.

Абу Али ибн Сино ўсимликнинг ўти, айниқса, гулларида тайёрланган дамламаларни тарқаб кетиши қийин бўлган шишлар, лат ейиш, эт узилиши, бел оғриғи каби касалликларнинг давоси сифатида ҳамда буйрак ва қовуқ тошларини нуратувчи омил сифатида ишлатган.



Rosa beggeriana Schrenk – Беггер наъматаги.

Кимёвий таркиби. Маҳсулот таркибига (қуруқ ҳолда ҳисобланганда) 4-6, баъзан 18 % гача витамин С, 0,3 мг % витамин В2, К1 (1г маҳсулотда 40 биологик бирлик миқдорида), витамин Р, 12-18 мг % каротин, 18 % атрофида қандлар, 4-5 % ошловчи моддалар 2 % атрофида лимон ва олма кислоталари, 3,7 % пектин ва бошқа моддалар бўлади.

ХI ДФга кўра витамин С бутун ҳолдаги маҳсулотда 1%, тозалаб қирқилган маҳсулотда 2%, кукун ҳолидагисида эса 1,6 % дан кам бўлмаслиги керак.

Наъматак уруғида мой, илдизи ва баргида эса ошловчи моддалар бўлади.

Ишлатилиши. Доривор препаратлари – аскорбин кислотаси, витамин С. наъматакнинг кам миқдор витамин С сақлайдиган тури итбурун наъматак ҳисобланади. Маҳсулотдан тайёрланган препарат халасос жигар касалликларини даволашда ишлатилади

Доривор препаратлари. Аскорбин кислота – витамин С (кукун, драже, таблетка ва ампулада эритма ҳолида чиқарилади), мевадан дамлама, экстракт, каторолин, наъматак мойи ва шарбат (хўл мевадан) ҳамда таблеткалар (кукунидан) тайёрланади. мева витаминли ва поливитаминли чойлар – йиғмалар таркибига киради. Хўл мевадан яна турли витамин концентратлари ва витаминга бой озиқ – овқат маҳсулотлари тайёрланади.

Аскорбин кислотаси эса галоскорбин препаратлар таркибига киради.



***Berberis integerrima* Bunge – Зирк барги ва илдизи**

Кимёвий таркиби. Ўсимликнинг ҳамма қисмида протоберберин гуруҳига кирадиган алкалоидлар бўлади. Алкалоидлар суммасидан берберин, пальматин, ятрорин, колумбарин, оксиакатин, бербамин, леонтидин ва бошқа алкалоидлар ажратиб олинади.

Ишлатилиши. Ўсимликнинг баргидаги тайёрланган настойка гинекологияда бачадон мускуллари тонусини кўтариш, туққандан сўнгги баъзи касалликларни (эндометридлар) даволаш ҳамда қон кетишини тўхтатиш учун ва ўт ҳайдовчи восита сифатида ишлатилади.

Берберин (илдизидан олинади) алкалоидининг тузи тиббиётда сурункали гепатит, гепатохолесистит, холецистит ва ўт пуфаги тоши касалликларини даволашда ўт ҳайдовчи восита сифатида қўлланилади.

Доривор препаратлари. Настойка, берберин, бисульфат порошок ва таблетка ҳолида чиқарилади.



***Rosa canina* L – Итбурун наъматак**

Кимёвий таркиби. Маҳсулот таркибида (курук ҳолда ҳисобланганда) 4-6

баъзан 180 %гача витамин С, 03 мг % витамин В2, К1, (1 г маҳсулотда 40 биологик бирлик миқдори), витамин Р, 12-18 мг % каротин, 18 % атрофида қандлар, 4-5 % ошловчи моддалар, 2 % атрофида лимон ва олма кислоталари, 3-7 % пектин ва бошқа моддалар бўлади.

ХI ДФ га кўра витамин С бутун ҳолдаги маҳсулотда 1% тозалаб қирқилган маҳсулотда 2 %, кукун ҳолидагисида эса 1,6 % кам бўлмаслиги керак.

Наъматак уруғида мой, илдизи ва баргида эса ошловчи моддалар бўлади.

Ишлатилиши. Наъматак ўсимлигининг меваси таркибида бир неча хил витаминлар аралашмаси бор, шу сабабли препаратлари авитаминоз касалликларини даволашда ва олдини олишда ишлатилади. Бундан ташқари наъматак меваси кондитор саноатида маҳсулотларни витаминлаштириш учун қўлланилади.



Наъматак турларининг мевасидан каротининг препарати ва наъматак мойи тайёрланади. Каротининг меванинг юмшоқ – этил қисмининг мойли экстракти (таркибида асосан каротиноидлар ҳамда токофероллар, тўйинмаган ёғ кислоталар ва бошқа моддалар сақланади) бўлиб, тропик яралар, экзема (гўшт), эритродермитнинг баъзи турлари ва яраланган шиллиқ пардаларни даволаш учун суртилади ёки докага шимдирилиб, шикастланган жойга қўйилади. Наъматак мойи махсус усул билан мевадан тайёрланади. Мойни тропик яралар, дерматозлар (терининг турли яллиғланиш ва диартез касаллиги), сассик димоқ (озена), ярали колит, ётоқ ва бошва яра, ёрилишларни даволаш учун уларга суртилади ёки докага шимдирилиб қўйилади.

Доривор препаратлари. Аскорбин кислоталар, витамин С, (кукун, драже, таблетка ва ампулида эритма ҳолида чиқарилади), мевадан дамлама, экстрак, каротин, наъматак мойи ва шарбат (ҳўл мевадан) ҳамда таблеткалар (кукунидан) тайёрланади.

Мева витаминли ва поливитаминли чойлар – йиғмалар таркибига киради. Ҳўл мевадан яна турли витамин концентратлари ва витаминга бой озиқ – овқат маҳсулотлари тайёрланади.


Аскорбин кислота эса галоскорбин препаратлар таркибига киради.

Rosa fedtschenkoana Regel – Федченко наъматаги

Кимёвий таркиби. Итбурун меваси витамин С ни кам сақловчи наъматак турларига киради. Мева таркибида 0,2 -2,2 % витамин С, К, В2 ва з, 4-12 мг % каротин, 8,09-18,50 % қанд, 1,2-3,64 % соф ҳолдаги органик (лимон ва олма) кислоталар, 0,03-0,04 ; эфир мойи, 2,7 % ошловчи, бўёқ ва бошқа моддалар, уруғида эса 8,46-9,63 %ёғ бўлади.

Ишлатилиши. Маҳсулотдан тайёрланган препарат – халасо с жигар касалликларини (холецистит ва гепатит) даволашда ишлатилади. Сохта мева ичидаги мевачалари пешоб ҳайдовчи дори фисатида қўлланилади.

Доривор препаратлари. Заводларда маҳсулотдан экстракт – холосас тайёрланади.



Ungernia victoris Vved. et. Artjush. – Виктор қора қовуғи, Виктор омонқораси.

Кимёвий таркиби. Ўсимлик таркибида 0,33-1 % пиёзида 0,8-0,9 % ва илдизида 1,8-2,55 % алкалоид бўлади. Алкалоидлар суммасидан галантамин, ликорин, тацентин, нарведин, горденин, панкреатин ва бошқа алкалоидлар ажратиб олинган.

Ишлатилиши. Қора – қовуқ турларининг баргидан галантамин ва дикорин алкалоидлари олинади. Галантиминнинг гидробромид тузи мисотения (мушакларнинг паталогик кучсизланишида, мионатия, полиомиелит асоратлари, полиневрит, радикулит касалликларини даволашда ишлатилади.



Tussilago farfara L. – Оққалдирмоқ. (кўка)

Кимёвий таркиби. Маҳсулот таркибида 2,63 % гача туссиягин ва бошқа аччиқ гликозидлар ҳамда галлат, олма ва вино кислоталари, стеринлар, инулин, эфир мойи, 70-251 мг % витамин С, 5,18 мг % каротиноидлар, 0,25 % флавоноидлар, алкалоидлар, сапонинлар, 8,46-9,61 % ошловчи, 7-8 % шиллиқ ва бошқа моддалар бўлади. Оққалдирмоқ ўсимлигининг гул тўплами таркибида стигмастерин ва бошқа стеринлар, фарадиол флаваноидлар (0,36 % рутин, 0,28 %гиперозид) ҳамда 172-253 мг % витамин С бўлади.

Ишлатилиши. Оққалдирмоқ ўсимлигининг доривор препаратлари юмшатувчи, балғам кўчирувчи ва дизенфекция қилувчи ҳамда яллиғланишга қарши таъсирга эга. ўпка касалликларида балғам кўчирувчи восита сифатида ишлатилади.

Доривор препаратлари. Дамлама, кайнатма. Барги кўкрак касалликларида ишлатиладиган ҳамда тер хайдовчи чой –йиғмалар таркибига киради.



умумий кўриниши



гули

Plantago major L. – Катта зубтурум.

Кимёвий таркиби. Маҳсулот таркибида аукубин (ринантин) глюкозиди, аччиқ, шиллиқ ва ошловчи моддалар, флаваноидлар (апигенин, гомоплантагенин, лютеолин ва скутелляреин гликозидлари ва бошқалар), каротин ҳамда аскорбин, лимон кислоталар, фактор Т ва витамин К бўлади.

Ишлатилиши. Зубтурум ўсимлигининг доривор препаратлари яллиғланишга қарши ва балғам кўчирувчи восита сифатида, меъда – ичак касалликларини даволашда қўлланилади.

Доривор препаратлари. Дамлама, настойка, янги йиғилган, қурилмаган баргнинг консервация қилинган шираси, плантоглоцид препарати, барг брикети.

Барг йўталда бериладиган чойлар – йиғмалар таркибига киради.

Тиббиётда катта зубтурум билан бир қаторда ўрта ҳамда, ланцетсимон зубтурум ўсимликлари ҳам ишлатилади.



***Inula helenium* L. – Қора андиз**

Кимёвий таркиби. Илдиз ва илдизпояси таркибида 1-3 % эфир мойи, 44 % гача инулин ва бошқа углеводлар, оз миқдорда алкалоидлар, сирка ва бензоат кислоталар ҳамда сапонинлар бўлади.

Эфир мойи тез қотувчи кристалл масса бўлиб, ўзига хос ҳид ва мазага эга. эфир мойининг кристалл қисми – геленин учта селенан типигаги сесквитерпен лактонларнинг (алантолактон, изоалантолактон ва дигидроалантолактон) аралашмасидан иборат. Эфир мойи ҳам бор.

Ўсимликнинг ер устки қисми таркибида 3 % гача эфир мойи, баргида эса алантопикрин деб аталувчи аччиқ модда бўлади.

Ишлатилиши. Қора андиз препарати балғам кўчирувчи дори сифатида меъда ҳамда ичак касалликларида ишлатилади.

Эфир мойи антисептик, гижжа ҳайдаш хусусиятига ва яллиғланишга қарши таъсирга эга. унинг гижжа ҳайдаш хусусияти таркибида сантонинга ўхшаш таъсир этувчи моддалар – алантолактонлар борлигига боғлиқ.

Қора андиз илдизпоя ва илдизидан аллатон доривор препарати олинган. Аллатон маҳсулотнинг сесквитерпенларининг йииндиси бўлиб, яллиғланишга қарши, қон томирларини мустаҳкамловчи ва антисептик таъсирга эга ҳамда меъда яра касаллигида яранинг битишини тезлатади. Бу препарат кунига 3-4 марта битта таблеткадан меъда ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллигини даволаш учун истеъмол қилинади.

Доривор препаратлари. Қайнатма, аллатон (таблетка ҳолида). Илдиз ва илдизпоя йўталга қарши ҳамда балғам кўчириш учун ишлатиладиган йиғмалар – чойлар таркиига киради.



Умумий куриниши



гули

Polygonum hissaricum Popov – Аччиқ торон

Кимёвий таркиби. Маҳсулот таркибида полигопиперин глюкозиди, 2-2,5 флавоноидлар (рамнетин, изорамнетин, рутин, кверцетрин, гиперозид, кверцетин ва кемферол), 0,05 % эфир мойи, чумоли, валериана ҳамда сирка кислоталари, каротин, К1, С ва Е витаминлари 3,8 % ошловчи ва бошқа моддалар бўлади.

Ишлатилиши. Аччиқ торон ўсимлигининг доривор препаратлари ҳайз кўриш цикли бузилганда қон кетишни тўхтатувчи дори сифатида ҳамда бавосил касаллигини даволашда ишлатилади.

Доривор препаратлари. Суюқ экстракт, дамлама.



Erysimum repandum L. - Эризимум

Кимёвий таркиби. Ўсимликнинг ҳамма қисмида гули ва уруғида 2-6 %, баргида 1-1,5 % поясида 0,5-0,7 % ва илдизида 0,2 % юрак гликозидлари бўлади. Ўсимликнинг ер устки қисмидан ҳамда уруғидан 0,2-1 % эризимни (гельветикозид), эризимозид, синопоил – эризимозид (эризимозиднинг синап кислота билан ҳосил қилган глюкозиди) ва бошқа юрак гликозидлари ажратиб олинган.

Эризимни гидролизланганда бир молекула дигитоксоза ва строфантин агликони ҳосил қилади. Эризимни фармакологик таъсири жиҳатидан строфантин глюкозидига яқин туради.

Эризимозид глюкозиди гидролиз натижасида строфантин агликони ва бир молекуладан глюкоза ҳамда дигитоксозага парчаланади.

Бир грамм маҳсулотнинг биологик фаоллиги 500 ЛЕД ёки 86-95 КЕД бўлиши керак.

Эризимум ўсимлигининг уруғи таркибида 30-40 % ёў бўлади.

Ишлатилиши. Эризимум препаратлари строфантин глюкозиди ўрнида ишлашга тавсия этилган бўлиб, у юрак-қон томир системаси касалликларида (қон айланишининг II ва III даражали оғир бузилишида) қўлланилади.

Доривор препаратлари. Янги йиғилган маҳсулотдан сиқиб олинган ва спирт билан консервация қилинган шира кардиовален препарати таркибига киради.

Тиббиётда яна эризимум ўсимлигининг баъзи турларини ишлатиш тавсия этилади.



Glaucium fimbriigerum Boiss - Маклея

Кимёвий таркиби. Маклея турларининг ҳамма қисмида (ер устки қисмида 0,7-1,22 %, илдизпоя ва илдизида 1,2-4,6 %) алкалоидлар бўлади. Маҳсулот алкалоидлари изохинолин унумлари бўлиб, улардан асосийлари сангвинарин ва хелеритрин. Булардан ташқари алкалоидлар йиғиндисидан протопин, криптопин, аллокриптопин ва бошвалар ажратиб олинган.



Маҳсулот таркибидаги сангвинарин ва хелеритрин алкалоидларини бисульфат тузлари миқдори 0,6 дан кам бўлмаслиги керак.

Ишлатилиши. Маклея турларининг доривор препаратлари микробларга ва замбуруғларга қарши таъсирга эга. шунинг учун ачитқисимон замбуруғ ва бошқа аралаш микрофлоралар таъсирида тери ва шиллиқ парданинг зарарланган жойларини ҳамда узок даволанмайдиган йирингли яралар, парадонтоз, қулоқ яллиғланиши ва баъзан полиомиелит асорати – миопатияни даволашда қўлланилади.

Доривор препаратлари. Сангвиритрин (сангвинарин ва хелеритрин алкалоидларнинг бисульфат тузларини йиғиндиси) 1 % ли суюқ суртма, 0,2 % ли спиртли эритма ва таблетка ҳолида чиқарилади.

Суюқ суртма зарарланган жойларга суртилади, спиртли эритмага дока ёки бинт намланиб парадонтозда ва бошқаларда қўйилади (опликация қилинади), таблетка миопатияда ичишга берилади.

Centaureum erythraea subsp. turcicum (Velen) Melderis - Тиллабош

Кимёвий таркиби. Маҳсулот таркибида 0,6-1 % алкалоидлар (асосий алкалоидлари генцианин), генциопикрин, эритроцентаурин, центапикрин (секоиридоид типдаги глюкозид) ва бошқа аччиқ гликозидлар ҳамда centaurein флавон глюкозиди, шунингдек, фенол-карбон (протокатех, оксibenзоат, ферул ва бошқалар), олеанол ва аскорбин кислоталар, ксантонлар ва бошқа моддалар бўлади.

Маҳсулотнинг аччиқлик кўрсаткичи 1:2000 бўлиши керак.

Ишлатилиши. Тиллабош турларнинг доривор препаратлари иштаҳа очиш ҳамда овқат ҳазм қилиш органлари вазифасини ошириш учун ишлатилади.



Доривор препаратлари. Дамлама, настойка.

Маҳсулот аччиқ настойка ҳамда аччиқ чойлар – йиғмалар таркибига киради.

Helchrysum marscandicum Popov – Бўзnoch

Кимёвий таркиби. Бўзnoch саватчаси (гултўплами) таркибида флавоноидлар (салипурпозид ва бошқа гликозидлар, кемпферол, нарингенин, апиценин агликонлари ва уларнинг гликозидлари), стероид бирикмалар, каротиноидлар, филохинонлар, органик кислоталар, полисахаридлар, инозит, 0,4% эфир мойи, скополетин кумарини, фенол характеридаги бўёқ, аччиқ, ошловчи, шиллиқ ва бошқа моддалар бўлади. Ўсимликнинг ер устки қисмида ошловчи моддалар, витамин К ва эфир мойи борлиги аниқланган.

Бўзnoch илдизидан бактерияга қарши таъсир кўрсатадиган иккита глюкозид (биттаси аренофталид А) ажратиб олинган.

Ишлатилиши. Бўзnoch ўсимлигининг препаратлари жигар, ўт пуфаги ва ўт йўли касалликларини даволаш учун ҳамда ўт ҳайдовчи дори сифатида ишлатилади.

Доривор препаратлари. Дамлама, қайнатма, куруқ экстракт, фламин (таблетка ҳолида чиқариладиган флавоноидлар йиғиндиси). Маҳсулот ўт ҳайдовчи йиғмалар – чойлар таркибига киради.

Флавоноидлар йиғиндисидан тайёрланган аренадин суртмаси кўз касалликларида қўлланилади.

Rhodiola gelida Schrenk et Fisch. ex C.A.Mey - Родиола

Кимёвий таркиби. Илдиз таркибида 0,50-1,29 % фено – глюкозид – родиолозид (салидрозид) ва долчин спиртини гликозидлари (розин, розевин ва розарин), атрацен унумлари, 20-25 % гача ошловчи моддалар, 0,9 % эфир мойи, флавоноидлар (кверцетин, кемпферол, гиперозид, изокверцитрин, родалин, родианин, родиалгин ва бошқалар), органик (оксалат, янтар, галлат, лимон ва олма) кислоталар С ва РР витаминлар, кумаринлар ҳамда лактон характерида эга бўлган моддалар, марганец ва бошқа бирикмалар бор.

Салидрозид (родиолозид) глюкозиди глюкоза ва п – оксифенилэтанол (п-тирозолГ агликонига парчаланadi.

Ишлатилиши. Ўсимликнинг доривор препарати асаб системаси ишининг функционал бузилишида, мия ва организмнинг жисмоний чарчашида организм тонусини кўтарувчи дори сифатида ишлатилади.

Доривор препаратлари. Суюқ экстракт.

Родиола ўсимлигининг доривор препарати женьшень ва элеутерокок препаратларига ўхшаш, лекин улардан кучсизроқ ва левзия ўсимлигининг доривор препаратига нисбатан кучлироқ таъсирга эга.



Adonis turkestanika Adolf – Гулизардак сарикгул.

Кимёвий таркиби. Ўсимликнинг ер устки қисми таркибида юрак гликозидлари ва флавоноидлар бўлади. Маҳсулотдан цимарин (гидролизланганда смороза қандига ва цитрофонтидин аглеконига парчаланади), анонитоксин (гидролизланганда рамноза қандига ва адонитоксигенин агликонига парчаланади), цитрофантинидигиталозид, дезглюкохеротоксин ва бошқа юрак гликозидлари ҳамда адонивернид ва ориентиник циллопиранозид флавоноид гликозидлари ажратиб оланган.



XI ДФ га кўра бир г маҳсулотнинг биологик фаоллиги 50-60 ЛЕД ёки 6,3-8 КЕД бўлиши керак.

Ишлатилиши. Адонис ўсимлигининг препаратлари юрак касалликларини даволашда ишлатилади. Адонис препаратлари кумулятив хоссага эга бўлганлиги учун сурункали юрак порогини даволашда ишлатилади.

Доривор препаратлари. Янги гален препарати – адонизид (15 мл дан шиша идишда чиқарилади), куруқ адонозид (таблетка ҳолида чиқарилади), куруқ экстракт, дамлама. Адониснинг куруқ экстракти Бехтереф таблеткаси (Драйже) ҳамда адонис – бром таблеткаси (Драже) ва юрак касаллигида ишлатиладиган бошқа комплекс препаратлар таркибига киради.

Адонис ўсимлигининг турлари жуда кўп бўлиб, улар етарли ўрганилган эмас. Адонис турларининг ҳаммаси биологик фаол (юракка кучли) таъсирга эга бўлиши мумкин.

Valeriana chionohila popov et Kulf – Доривор валериана кади й.т.

Кимёвий таркиби. Ўсимликнинг илдиз ва илдизпояси таркибида 0,5 – 2% эфир мойи ва соф ҳолда изовалериан кислота бўлади.

Ишлатилиши. Валериана препаратлари асаб системасини тинчлантириш ҳамда юрак фаолиятини бошқариш учун ишлатилади.

Доривор препаратлари. Дамлама, настойка, қайнатма, эфир валериана настойка, куруқ экстракт, валидол.

Leonuris turkestanicus – Арслонқуйруқ.

Кимёвий таркиби. Арслонқуйруқнинг ўсимлигининг кимёвий таркиби ҳали етарли ўрганилган эмас. Ўсимлик таркибида флавоноидлар, 0,01-9% гача ошловчи моддалар, 0,035-0,4 % гача алкалоидлар (ўсимлик гуллай бошлаганида), 0,05% эфир мойи, п-кумар

кислота, витамин С, каротин, иридоидлар, сапонинлар, қанд, аччиқ модда ва бошқалар борлиги аниқланган.

Маҳсулотнинг флавоноидлар йиғиндисидан рутин, кверцитрин, гиперозид, кверцетинни 7-глюкозиди, кверцетин ва квинвелозид, алкалоидлар йиғиндисидан леонуридин алкалоиди (мевасидан) ва 0,4% гача стахидрин ажратиб олинган.

Ишлатилиши. Арслонқуйруқнинг доривор препаратлари тинчлантирувчи восита сифатида гипертония, асаб қўзғалиши ва баъзи юрак касалликларини даволашда ишлатилади.

Доривор препаратлари. Дамлама, настойка, суюқ экстракт. Маҳсулот тинчлантирувчи чой – йиғмалар ва Здренко йиғмаси таркибига киради.



***Centarium pulchellum Druce* – Оддий тиллабош.**

Кимёвий таркиби. Маҳсулот таркибида 0,6-1% алкалоидлар (асосий алкалоиди генцианин), генциопикрин, эритроцентаурин, центапикрин (сеоиридоид типигади глюкозид) ва бошқа аччиқ гликозидлар ҳамда центауреин флавоон глюкозиди, шунингдек, фенолкарбон (протокатехин, оксibenзоат, ферул в бошқалар), олеанол ва аскорбин кислоталар, ксантонлар ва бошқа моддалар бўлади.

Маҳсулотнинг аччиқлик кўрсаткичи 1:2000 бўлиши керак.

Ишлатилиши. Тиллабош турларининг доривор препаратлари иштаҳа очиш ҳамда овқат ҳазм қилиш органлари фаолиятини ошириш учун ишлатилади.

Доривор препаратлари. Дамлама, настойка. Маҳсулот аччиқ настойка ҳамда аччиқ чойлар – йиғмалар таркибига киради.



***Datura stramonium L* – Оддий бангидевона.**

Скополамин марказий асаб системасини тинчлантирувчи таъсирга эга (атропиндан фарқи). Шунинг учун Скополамин гидробромид, баъзан хирургик операциялардан олдин, марказий асаб системасини тинчлантириш учун торфинга қуйиб тери остига юборилади. Денгиз касаллигини, қусишни тўхтатувчи восита сифатида ишлатилади.

Кимёвий таркиби. Ўсимликнинг ҳамма қисмида (баргида 0,23-0,37%, поясида 0,2% гача, илдизида 0,27 гача, уруғида 0,22%) алкалоидлар бор.

ХI ДФга кўра барг таркибида алкалоидлар миқдори 0,25% дан кам бўлмаслиги керак. Асосий алкалоидлари – гиосциамин, атропин ва скополамин. Бундан ташқари, маҳсулот таркибида гиосцин, скиммианин, апоатропин ва бошқа алкалоидлар бор.

Баргда алкалоидлардан ташқари страмонолид витанолиди (стероид бирикма), датуралактон, 0,04% эфир мойи, 0,1%, каротин ва 1,7 % ошловчи моддалар, уруғида эса 17-25 % ёғ бўлади.

Ишлатилиши. Бангидевона барги бронхиал астма касаллигида ишлатиладиган (чекиладиган) “Астматол” ва “Астматин” порошоклари – сигареталари таркибига киради.



Verdascum songaricum Schrenk - Сигирқуйруқ

Кимёвий таркиби. Маҳсулот таркибида тритерпен сапонинлар, 2,5 % шиллик моддалар, 11 % гача қанд, кроцетин бўёқ моддаси, флавоноидлар, кумарин, каротин, оз миқдорда эфир мойи ва бошқа моддалар бўлади.

Ишлатилиши. Сигирқуйруқ ўсимлигининг доривор препаратлари балғам қўчирувчи, юмшатувчи ва буриштириш модда сифатида юқори нафас йўллари касаллигида ишлатилади.

Доривор препаратлари. Дамлама.

Маҳсулот кўкрак касалликларида ишлатиладиган йиғмалар таркибига киради.

Prunus divaricata Ledeb – Тоғолча

Кимёвий таркиби. Ҳар иккала бодом уруғи таркибида 45-62 % мой, витамин В2, 20% оксил моддалар, 2-3 % сахароза ва эмулсия фермети бўлади. Аччиқ бодом уруғида яна 2,2 -3,5 % амегдалин глюкозиди учрайди.

Тиббиётда ишлатиладига бодом мойи совуқ пресслаш усули билан олинади.

Аччиқ бодом уруғидан мой олаётганда сув аралашиб кетишига йўл қўймаслиқ керак. Акс ҳолда сув амигдалини парчалайди ва ажралиб чиққан маҳсулот мойга ўтади. Мой захарланади.



Бодом мойи қуюқ, сарғиш суюқлик бўлиб, унинг зичлиги 0,913-0,918 ревракция сони 1,470-1,472 совунланиш сони 190-195, йод сони 93-102 га тенг. Кислота сони 2,5 дан ошмаслиги мой 10 ° гача совутилганда қотмаслиги керак.

Бодом мойи қурилмайдиган суюқ мойларга киради, унинг таркибида 83% олеин, 16 % линол кислоталарининг глицеридлари ва 0,5 % гидролизланмайдиган моддалар бўлади.

Ишлатилиши. Пўсти олиб ташланган чучук бодом уруғидан тайёрланган имулсия меъда – ичак оғриқларини қолдириш учун, бодом мойи эса, ич юмшатувчи дори сифатида қўлланилади.

Фармацевтикада бодом мойи баъзи дорилар (камфора ва бошқалар) ни эритиш ҳамда суртма тайёрлаш учун ишлатилади.

Аччиқ бодом уруғи кунжарасидан олинган аччиқ бодом суви оғриқ қолдириш учун ва тинчлантирадиган дори сифатида қўлланилади.

Чучук бодом уруғи озиқ- овқат саноатида турупи эса парфюмерияда ишлатилади.

Доривор препаратлари. Бодом мойи ва мой эмульцияси, чучук бодом уруғидан тайёрланган эмульсия.


Tribulus terrestris L – Темиртикан.

Кимёвий таркиби. Маҳсулот таркибида стероид сапонинлар, алкалоидлар (гарман ва бошқалар), флавоноидлар, витамин С, бўёқ, ошловчи ва бошқа моддалар, мевасида 5 % гача ёғ бўлади.

Ишлатилиши. Доривор препаратлари атеросклерозга қарши, қонда холестерин миқдорини камайтиришда ишлатилади. Трибуспопин препарати атеросклерозни даволашда ишлатилади.

Доривор препаратлари. Трибуспонин (маҳсулотнинг стероид сапонинлари йиғиндиси) таблетка ҳолида чиқарилади.

Ўсимликдан олинган диосгениндан гормонал препаратларни синтез қилишда фойдаланилади.



Solanum nigrum L – Итизум

Кимёвий таркиби. Гликоалкалоидлар табиатда турли мақсадлар учун ишлатилади.

Итузумдошлар вакиллариининг алкалоидлари – соланинлар замбуруғларга қарши ва цитостаник таъсирга эга. Иервин алкалоидлари юрак гликозидлари сингари юракка таъсир кўрсатади (кардиотонак таъсир). Маралкулоқ ўсимлигининг алкалоидлари гипотензив таъсирга эга.

Ишлатилиши. Итузум (соласонин,



соламаргин, соланидин, соланокапсин, демиссин ва бошқалар) ва помидор (томатин ва агликони томатидин) ҳозирча асосан стероид сапонинлар сингари прогестерон, кортизон ва бошқа кортикостероид бирикмаларни синтез қилиш учун ишлатилади.

***Thalictrum isopyroides* C.A.Mey -**

Кимёвий таркиби. Ўсимлик кам ўрганилган. Ер устки қисми таркибида эфир мойи, флавоноидлар (лютеолин, апигенин), витамин Е ва К, гликозидлар, алкалоидлар, ошловчи ва бошқа моддалар бор.

Ишлатилиши. Ер усти қисмидан олинган таликтриман гидрохлорид препарати бачадон касалликларини даволашда ишлатилади.

N. ovczinnikovii (Korovin) Pimenov et Kljuikov - Овчинников неопалуияси
Неопалуия Овчинникова (субэндем)

Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига (2009) киритилган тур субэндем тур.

Хусусияти: Доривор.

Фойдаланиладиган қисми: Ер устки қисми.

Таркиби: тўлиқ ўрганилмаган.

Қўлланилиши: Ҳалқ табобатида овқатни ҳазм қилиш ва қон босимини пасайтиришда кенг қўлланилади.

Тарқалиши: Жануби-Ғарбий Ҳисор Бойсун тоғининг Мачай-дарё хавзасида, Боботоғда, Қаратегин тизмаси ва Тожикистон жанубидаги паст тоғларда тарқалган.



***L. gypsaceus* Vved. - Гипс бозулбанги - Зайцегуб гипсовый**

Хусусияти: Доривор.

Фойдаланиладиган қисми: Ер устки қисми.

Таркиби: Лагохилин, стахидрин, эфир мойлар, С витамини, каротин, аскорбин кислотаси, смола, ошловчи ва бошқа кальций, темир тузли бирикмалар мавжуд.

Қўлланилиши: Ўсимликдан олинган дори махсулотлари ички ва ташқи қон кетишда, геморроидал қон оқишда, гемофилия ва Верльгоф



касаллигини даволашда ишлатилади (Холматов, Ахмедов, 1981, Курмуков ва б., 2012).

Тарқалиши: Қизилқум, Помир Олой: Жануби-ғарбий Ҳисор (Кўхитанг ва Бойсун, Сурхон-Шеробад паст текислиги), Нурота, Боботоғ, Нурота ва Тожикистоннинг жанубидаги паст тоғларда тарқалган.

***H. latifolium* Kar. et Kir. - Кенбарг тошбақайт - Цельнолистник широколистный**

Хусусияти: Доривор.

Фойдаланиладиган қисми: Ер усти қисми.

Таркиби: Ер устки қисмида Фенилкарбон кислота, Алкалоидлар: дубинин, дубинидин, хаплоперин, скиммианин, Кумаринлардан: сеселин, Стероидлардан: ситостерин, гликоза ва бошқа моддалар мавжуд.

Қўлланилиши: Тиббиётда ўсимликдан олинган моддалардан нерв тизимини тинчлантурувчи дори воситалари тайёрлашда фойдаланилади (Рас.Рес. 4.Т. 1988).

Тарқалиши: Ғарбий Тиёншон ва Помир Олой, Бойсунда тарқалган.



***Stachys hissarica* Regel – Ҳисор қуддуси**

Кимёвий таркиби. Ўсимликнинг ер устки қисми таркибида 0,83 % эфир мойи, 1,43 % флавоноидлар, 2,42 % стахидрин, 5,72% смола, 1,0% иридоидлар, 135,4 мг% витамин С ва антицианлар бор.

Ишлатилиши.

Ўсимликнинг ер устки қисмидан тайёрланган доривор препарат тинчлантирувчи, қон босимини пасайтирувчи,



бачадон мускулларини қисқартирувчи, қон тўхтатувчи ҳамда эстероген таъсирга эга эканлиги аниқланган. Шунинг учун гинекология амалиётида тоғ қуддусининг доривор препарати қон тўхтатувчи восита сифатида ҳамда тукқандан кейин бачадон жуда суст қисқараётганда унинг тонусини оширувчи восита сифатида ишлатилади.

Доривор препаратлари. Суюқ экстракт.

Tanacetum parthenifolium (Willd.) Sch.Bip. - Дастарбош

Кимёвий таркиби. Гултўпламлар таркибида 1,5-2 % эфир мойи флавоноидлар, алкалоидлар, ошловчи моддалар, кўп тўйинмаган боғланишга эга бўлган лактон ва танаситен аччиқ моддаси бўлади.

Ишлатилиши. Оддий дастарбош гули гижжа ҳайдаш учун ҳамда жигар касалликларини ишлатилади.

Доривор препаратлари. Дамлама. Танасехол препарати тиббиётда ўт ҳайдовчи восита сифатида ишлатилади. Маҳсулот жигар касалликларида ишлатиладиган чой – йиғмалар ва Здренко йиғмаси таркибига киради.



Merendera robusta - Санграйқулок

Кимёвий таркиби. Туганакпиёз таркибида 1,03 % алкалоид бўлади. Асосий алкалоидлари колхицин ва колхамин (деметилколцин). Бундан ташқари, специозин, колхицерин ва бошқа алкалоидлар ҳам топилган. Алкалоидлар ўсимликнинг гулида (0,8 % гача), уруғида (1,2 % гача) ҳам бўлади.

Маҳсулот таркибида алкалоидлардан ташқари флавоноидлар, фитостеринлар, ароматик кислоталар ва қандлар бор.

Ишлатилиши. Савринжон (*Merendera robusta*) ўсимлиги таркибидаги алкалоидлар тиббиёт тери раки ва сурункали лейкоз касалликларини даволашда колхицин бод, подагра ва баъзи невралгияни даволашда ишлатилади.

Колхамин ва колхицин ўткир захарли алкалоид. Колхицин колхаминга нисбатан 7-8 марта захарли.

Колхицин биологияда ўсимликларнинг кўп хромосомали полиплоид формаларини етиштиришда ишлатида.и

Доривор препаратлари. Колхамин (таблетка ҳолида чиқарилади), 0,5 % ли колхамин (омаин) суртмаси.

Merendera robusta нинг Европада ўсадиган тури кузги савринжон – ҳам яхши ўрганилган, у Украинанинг ғарбий туманларида ҳамда Беларус ва Латвия республикаларида ўсади. Туганакпиези таркибиди 0,26 % гача колхицин, колхамин ва бошқа алкалоидлар, шунингдек, гликоалкилоидлар (колхикозид ва бошқалар), флавоноидлар (апигенин ва бошқалар), қанд, фитостеринлар, тиоколхицин ва бошқа бирикмалар бор.



Колхицин алкалоиди савринжонни Ўзбекистонда ўсадиган тури – оқ савринжон, Кесселринг савринжони - *Colchicum Kesselring Rgl.* ва шу оилага кирувчи ўсимликлардан – санграйқулоқда *Merendera robusta Bge.* да ҳам топилган. Академик О.С.Содиқов шогирдлари билан оқ савринжон таркибида 1,09; ва санграйқулоқ ўсимлигида 0,85 % гача алкалоидлар бўлишини аниқлади. Ҳар иккала ўсимликдаги алкалоидлар йиғмасининг тахминан 70-75 % ни колхицин ташкил этади.

Бизнингча, Сурхондарё воҳаси табиатини, ундаги ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини сақлаб қолиш ва янада кўпайтириш учун Кўхитанг кўриқхонасидан ташқари, яна Қизилнавр ва Кенгтала қишлоқлари ҳудудларида янги кўриқхона ва Сангардак зонасида заказниклар ташкил этиш зарур. Табиатдаги доривор ўсимликлар турларини, уларнинг заҳираларини сақлаб кўпайтириш мақсадида, вилоят тоғли туманларининг тоғ олди зоналарида доривор ўсимликлар етиштирадиган фермер хўжаликларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги кунда вилоятимизда “сохта табиблар” кўпайиб кетган. Улар табибликни никоб қилиб, воҳамиз доривор ўсимликларига хуруж бошлаб юборганлар. Доривор ўсимликларнинг гуллаш давридан бошлаб, токи куз фаслига қадар илдизи билан қазиб олиб, бозорларга ва ўзларига ўхшаган “табиблар” ни табиат гўзаллиги, унинг табиий бойликлари ва келажак авлодлар тақдири ҳеч қизиқтирмайди. Уларнинг ўсимликлар дунёсига келтираётган зарари натижасида 1983 йилда нашр этилган Ўзбекистон “Қизил

китоби” га йўқолиб кетиш хавфи остида турган 163 та тур ўсимлик рўйхатга олинган бўлса, шу китобнинг 2009 йилдаги нашрида эса 324 та тур ўсимлик рўйхатга олинган, яъни 161 та турга кўпайган. Бу юқоридаги фикримизнинг исботидир.

Ушбу рисолани тайёрлаш жараёнида Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти марказий гербарий лабораторияси кичик илмий ходими Турғунов Орзимат Турдиматович томонидан тақдим этилган маълумотларидан фойдаланилди.

Муаллиф Турғунов Орзимат Турдиматовичга берган катта ёрдами учун алоҳида миннатдорчилик билдиради.

Сурхондарё вилояти Бойсун туманида учрайдиган доривор
ўсимликларнинг расмлари



Achillea arabica Kotschy



Ajuga turkestanica (Regel) Briq



Biebersteinia multifida DC.



Capsella bursa-pastoris (L.) Medik



Codonopsis clematidea (Schrenk) C.B. Clarke



Equisetum arvense L.



Haplophyllum latifolium



Haplophyllum robustum



Hypericum elongatum Ledeb.



Lagochilus seravschanicus Knorring



Potentilla asiatica (Th.Wolf) Juz.



© H. Tinguy

Potentilla pedata Willd. et Hornem.



Potentilla reptans L.



Salvia aethiopis L.



Salvia deserta Schangin



Salvia sclerea L.



Salvia spinosa L.



Salvia virgata Jacq.



Sideritis montana L.



Colchicum kesselringii Regel



Colchicum luteum Baker



Ephedra equisetina Bunge



Ephedra intermedia Schrenk et C.A.Mey



Thalictrum minus L.



Alliaria petiolata (M.Bieb.) Cavara et Grande



Allium longicuspis Regel




Allium suworowii Regel



Artemisia aschurbajewii C.Winkl.



Artemisia persica Boiss.



Artemisia scoparia Waldst. et Kitag.



Ferula kuhistanica Korovin



Ferula samarkandica Korovin



Ziziphora clinopodioides Lam.



Ziziphora pamiroalaica Juz.



Ziziphora tenuior L



Andrachne rotundifolia C.A.Mey.



Convolvulus arvensis L.



Solanum nigrum L.



Lamium amplexicaule L.



Verbascum songaricum Schrenk



Veronica anagallis-aquatica L.



Dysphania botrys (L.) Mosyakin et Clemants



Polygonum aviculare L.



Equisetum ramosissimum Desf.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. М.Набиев., В.Шальнев., А.Иброхимов. Шифобахш неъматлар. Тошкент –“Меҳнат”. 1989.
2. Е.В.Вульф и О.Ф.Малеева. Мировые ресурсы полезных растений. Издательство «Наука» Ленинградское отделение Ленинград 1969 г.
3. С.Я.Соколов., И.П.Замотаев. Справочник по лекарственным растениям. - Москва. «Металлургия» 1989 г.
4. А.Ф.Гаммерман., Г.Н.Кадаев., А.А.Яценко – Хмелевский. Лекарственные растения. Москва. «Высшая школа» 1990 г.
5. Х.Х.Холматов., Ў.А.Аҳмедов. Фармакогнозия. Тошкент Ибн Сино номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси 1995.
6. Шукур Хуррамов. Сурхондарёнинг ўсимликлар дунёси. Қарши «Насаф» нашриёти. 2013.